

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

39-сон
(799)
2017 йил
2 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1043. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги ПФ–5194-сон Фармони

Учинчи бўлим

1044. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тайёр дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишни тартибга солиш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўз-

бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 752-сон қарори

1045. «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрдаги 753-сон қарори

Бешинчи бўлим

1046. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 18 сентябрдаги 8-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1753-2*)
1049. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 сентябрдаги 2017-49, 23/10-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-4*)
1050. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 22 сентябрдаги 9-мх, 112-сон «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2121-1*)
1051. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 179-сон «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932*)
1052. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933*)
1053. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазир-

лиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 23 сентябрдаги 321-В-7, 138, 2017-51-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 23 сентябрдан 29 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

1043 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 сентябрь,
ПФ–5194-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги
ПФ–5194-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сон Фармони 1-бандидаги «Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ–4944-сон Фармониغا 7-илованинг 33-банди «Масъул ижрочилар» устунида:

а) «Н. Қосимов (Маънавият тарғибот маркази)» сўзлари «А. Қодиров (Республика Маънавият ва маърифат маркази)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «А. Маврулов (Миллий ғоя ва мафкура маркази)» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармониغا 8-иловада:

а) 99 ва 290-бандлардаги «Ижро учун масъуллар» устунидagi «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 101-банддаги «Ижро учун масъуллар» устунидagi «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 271-банддаги «Ижро учун масъуллар» устунидagi «Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 275-банддаги «Ижро учун масъуллар» устунидagi «Миллий ғоя ва мафкура миллий амалий маркази» ва «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 291 ва 319-бандлардаги «Ижро учун масъуллар» устунидagi «Республика Маънавият тарғибот маркази» ва «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини

қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармони-га иловада:

33-банддаги «Маврулов А.А. — Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари» сўзлари чиқариб ташлансин.

34-банддаги «Қосимов Н.У. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари в. в. б.» сўзлари «Қодиров А.К. — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарорига 3-илованинг ўн тўртинчи хатбошисидаги «Н.У. Қосимов — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари в. в. б.» сўзлари «А.К. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» 2008 йил 7 августдаги ПҚ–938-сон қарорига 1-илованинг ўнинчи хатбошисидаги «М. Хожиматов — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари «А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон қарорига 3-илованинг 4-банди «Масъул ижрочи» устунисидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» ва «Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарорига 4-илованинг 19-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«19. Қодиров А.К. — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3051-сон қарорига 5-илованинг рус тилидаги матнида:

11-банддаги «Республиканский центр пропаганды духовности» сўзлари «Республиканский центр духовности и просветительства» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банд чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПҚ–3138-сон қарорига:

а) 1-иловада:

44 — 48-бандларнинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази (Н. Қосимов)» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази (А. Қодиров)» сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банднинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази (А. Маврулов)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

IV бўлимнинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3-банддаги «Қосимов Н.У. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари в. в. б.» сўзлари «Қодиров А.К. — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сон қарори 11-бандидаги «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 июндаги Ф–4969-сон фармойишига 1-иловада:

13-банддаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

27 ва 33-бандлардаги «Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банддаги «Республика Маънавият тарғибот маркази», «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1044 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тайёр дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилиш-ни тартибга солиш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2911-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда республика фармацевтика тармоғини янада ривожлантиришни, ички бозорни сифатли ва самарали маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдиришни, импортнинг ўрнини босувчи дори препаратлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
752-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1045 Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон қарорларида (кейинги ўринларда дастурлар деб аталади) назарда тутилган тартибда ва маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 — 2021 йилларда мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш параметрларини иловага* мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қайд этилсинки, дастурлар доирасида узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари (кейинги ўринларда ипотека кредити деб аталади) беришнинг қуйидаги шартлари белгиланган:

шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун — 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 20 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал квартира қийматининг 25 фоизни ташкил этади;

қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун — 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал қуйидаги миқдорни ташкил этади:

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

икки, уч қаватли кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун — 15 фоиз;

икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун — 25 фоиз.

4. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун ипотека кредитлари бўйича қуйидаги шаклдаги тўловлар назарда тутилган қўшимча имтиёзлар берилди:

ипотека кредитларини олган ёш оилаларнинг кредитни тўлаш муддати давомида кейинчалик уни қайтариш шарти билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан уй-жой сотиб олиш учун дастлабки бадалларни тўлаш;

ипотека кредити бўйича биринчи беш йил ниҳоясига етгандан кейинги бутун муддат учун ҳисобланадиган фоизларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан тўлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқини таъминлаш учун ҳар йили тасдиқланадиган сметалар доирасида мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалларни тўлаш ҳамда фоизли харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан келишган ҳолда, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича қўшимча имтиёзлар бериладиган, Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларни танлаш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун уй-жойларни тақсимлашнинг ҳамда уларга ипотека кредитлари бўйича қўшимча имтиёзлар беришнинг шаффофлигини таъминлайдиган электрон тизимни 2018 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 сентябрь,
753-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1046 «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1753-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2007 йил 28 ноябрдаги 297-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 544-модда);

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 25 августдаги 253-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1753-1, 2014 йил 2 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 457-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
8-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1049 Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометра-
жини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-4*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги ПҚ–3168-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 2008-16-сон, 300-В-сон қарори (рўйхат рақами 1788, 2008 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 112-модда) билан тасдиқланган «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом 19-бандидаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича бўлимига (шўъбасига)» деган сўзлар «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
2017-49-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
23/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1050 «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2121-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 9 июлдаги 30 ва 18-сон «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2121, 2010 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 239-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
9-мҳ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
112-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1051** Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 август,
179-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
14 августдаги 179-сон буйруғига
ИЛОВА

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

фуқаролар деб юритилади) томонидан муомалада бўлган рўйхатга олинмаган (ноқонуний муомалада бўлган) ўқотар қуролни, унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ўқотар қурол — амалда қандай мақсадларда қўлланилишидан қатъи назар, отиш учун порох газларининг кучидан фойдаланиладиган барча турдаги жанговор, спорт ва ов қуроллари;

ўқ-дорилар — қурол учун лозим бўлган ўқлар, артиллерия снарядлари, бомбалар, миналар, гранаталар, ракеталарнинг жанговар қисмлари, шунингдек ўқотар қуролдан отиш учун мўлжалланган ашёлар;

портловчи моддалар — порох, динамит, тротил, нитроглицерин, аммонит ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар;

портлатиш қурилмалари — портловчи моддалар билан тўлдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йиғилган ҳолдаги қурилмалар;

патронлар — ўқотар қуролдан отишга мўлжалланган, гильза ёрдамида ўт олдириш мосламаси воситасини, порох заряди ва отиладиган аслаҳаларни бирлаштирувчи ўқ-дори.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 248-моддасига мувофиқ ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топширган фуқаро қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликдан озод қилинади.

Фуқаро ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида қарорга келса ва унинг ўзи ушбу ашёларни топшириш ҳақида ички ишлар органларига ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилса, у ашёларни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланади.

3. Фуқаро тинтув жараёнида ёки унда ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари борлиги ҳақида далиллар келтирилиши натижасида уларни топшириш тўғрисидаги қарорга келса, у ушбу ашёларни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланмайди.

2-боб. Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш, уларни ички ишлар органлари томонидан қабул қилиб олиш

1-§. Умумий талаблар

4. Ўзларида сақланиб келинаётган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, порт-

ловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топширишга истак билдирган фуқаролар ёзма ёки оғзаки равишда ариза билан бевосита, телефон орқали, электрон воситалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек ўзининг яшаш жойи ёки ўқотар қурул, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари сақланаётган жой бўйича ҳудудий ички ишлар органларига ёки профилактика инспекторига мурожаат қилади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатдан ўтган яшаш жойининг манзили ва амалда яшаш жойининг манзили, паспорт маълумотлари, боғланиш учун телефон рақамлари;

топшириш вақтида топшириладиган ўқотар қурул, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари бевосита сақланаётган жой, уларнинг номи, ўзига хос маълумотлари ва сони (топширилаётган ўқотар қурулларнинг сони, тури (системаси), русуми, модели, калибри, заводда қўйилган серияси, рақами ва ишлаб чиқарилган йили; ўқ-дориларнинг сони, тури ва калибри, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг тури (системаси), русуми, номи ва сони — агарда маълум бўлса, ёхуд уларнинг таснифи), уларга эгалик қилиш (сотиб олиш) ҳолати ва манбаларининг қисқача тавсифи.

Ёзма аризанинг намунавий шакллари мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида белгилаб қўйилган.

5. Фуқаро томонидан ўқотар қурулни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисидаги оғзаки мурожаат қилинганда, ариза мазкур Қоидаларнинг 4-банди талабларига мувофиқ тегишлилиги бўйича ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ёки профилактика инспектори томонидан расмийлаштирилади.

2-§. Ўқотар қурул ва патронларини топшириш, уларни ички ишлар органлари томонидан қабул қилиб олиш

6. Ўқотар қурул ва патронлар фуқаролар томонидан оғзаки ёки ёзма ариза асосида бевосита ҳудудий ички ишлар органларига топширилади.

Фуқаро томонидан топширилаётган ўқотар қурул қисмларга бўлақланган (агарда техник имконияти бўлса), патронлари олинган ҳамда ўқотар қурул ва патронлар алоҳида ўрамга жойлаштирилган бўлиши лозим.

Фуқаро ички ишлар органи назорат-ўтказиш пунктида хизматни ўтаётган ходимга ўқотар қурул ва патронлар жойлаштирилган ўрамни қолдиради ҳамда ички ишлар органи ходими кузатувида навбатчилик қисмига олиб кирилади.

Назорат-ўтказиш пунктида қолдирилган ўқотар қурул ва патронлар навбатчилик қисмига тезкор навбатчининг ёрдамчиси томонидан олиб кирилади.

Фуқаро томонидан ўз ихтиёри билан топширилаётган ўқотар қурул ва патронларни қабул қилиб олиш ишлари фуқаро иштирокида тезкор навбатчи томонидан амалга оширилади.

Агар икки ва ундан кўп фуқаролар бир вақтнинг ўзида ўқотар қурол ва патронларни топширишга келган бўлса, улар ҳамда улар томонидан топширилаётган ўқотар қурол ва патронлар навбатчилик қисмига алоҳида бирма-бир олиб кирилади.

7. Олис ва ўтиш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи, шунингдек ёши туфайли, соғлигининг аҳволи, оилавий ва ўзга ҳолатлар сабабли ўқотар қурол ва патронларни бевосита ҳудудий ички ишлар органига топшириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар ўқотар қурол ва патронларни профилактика инспекторига топшириши мумкин.

Бундай ҳолларда мазкур Қоидаларнинг 4-бандига мувофиқ бирламчи тарзда ёзма аризани, шунингдек ўқотар қурол ва патронларни қабул қилиб олиш профилактика инспектори томонидан амалга оширилади.

Фуқаро томонидан профилактика инспекторига топширилаётган ўқотар қурол қисмларга бўлакланган (агарда техник имконияти бўлса), патронлари олинган ҳамда ўқотар қурол ва патронлар алоҳида ўрамга жойлаштирилган бўлиши лозим.

8. Ўқотар қурол ва патронларни қабул қилиб олган профилактика инспектори мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ билдирги асосида ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчисига ўқотар қурол ва патронларни топширади, билдиргига фуқаронинг аризаси илова қилинади.

9. Ўқотар қурол ва патронларни қабул қилишда ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ўқотар қурол ва патронларни топшираётган фуқаро иштирокида мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ Ўз ихтиёри билан топширилган ўқотар қурол ва патронларни кўздан кечириш ва қабул қилиб олиш далолатномасини тузиш орқали қабул қилиб олинаётган қуролнинг ҳақиқий сони, тури (системаси), русуми, модели, калибри ва мавжуд ўзига хос индивидуал реквизитлар (серияси, рақами ва ишлаб чиқилган йили), патронларнинг сони, тури ва калибрининг уларни топшириш ҳақидаги аризада кўрсатилган ёзувларга мувофиқлигини текширади.

Ўқотар қурол ва патронлар ҳудудий ички ишлар органининг профилактика инспекторига топширилган тақдирда далолатнома ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчиси томонидан ушбу профилактика инспектори иштирокида тузилади.

Ўқотар қуролнинг турини (системасини), русумини, моделини, калибрини, шунингдек ўзига хос индивидуал реквизитларни, патронларининг тури ва калибрини аниқлашда қийинчиликлар юзага келганда уларни кўздан кечириш учун ҳудудий ички ишлар органининг эксперт-криминалисти жалб этилади.

10. Ихтиёрий топширилган ўқотар қурол ва патронларнинг қабул қилинишининг ҳисобини юритиш мақсадида ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчиси томонидан мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ хар бир қурол, шунингдек, ишлаб чиқарилган йили, заводи ва партияси, қурол тури ва калибри бир хил бўлган патронлар (аниқлик киритилган бўлса) бўйича уч нусхада қвитанция расмийлаштирилади. Қвитанциянинг бир нусхаси ўқотар қурол ва патронларни топшираётган фуқарога топширилади,

иккинчи нусхаси қурол ва патронлар билан бирга сақланади, учинчи нусхаси назорат учун ҳудудий ички ишлар органининг навбатчилик қисмида қолдирилади.

Ўқотар қурол ва патронлар профилактика инспекторига топширилган тақдирда қвитанциянинг биринчи нусхаси ўқотар қурол ва патронларни топширган фуқарога топшириш учун профилактика инспекторига берилади.

11. Агарда қабул қилинаётган ўқотар қуролнинг индивидуал рақами бўлмаса ёхуд рақами ўчирилган бўлса, унга Ҳодисалар тўғрисидаги хабарларни қайд этиш китобида материаллар қайд этилган вақтинчалик тартиб рақами берилади. Қуролга берилган вақтинчалик тартиб рақами қвитанцияга киритилади.

12. Қвитанция тўлдирилгандан кейин ҳудудий ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ўқотар қурол ва патронларни бу турдаги қурол-яроғларни вақтинча сақлаш учун ички ишлар органининг қуролларни сақлаш хонасида ажратилган алоҳида темир шкафларга жойлаштиради.

13. Ўз ихтиёри билан топширилган ўқотар қурол ва патронлар бўйича материаллар юзасидан навбатчилик суткаси давомида ҳудудий ички ишлар органининг бошлиғига ёки унинг вазифасини бажарувчи шахсга ахборот берилади.

Ҳудудий ички ишлар органида ўқотар қурол ва патронларни ўз ихтиёри билан топшириш бўйича материалларни расмийлаштириш, уларни қабул қилиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш, уларни ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика, криминалистика ва қидирув ҳисоблари, қуролларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизими орқали текшириш, стволи сойли ўқотар қуролни отиб текшириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини топшириш, уларни ички ишлар органлари томонидан қабул қилиб олиш

14. Фуқароларнинг ўзларида сақланаётган ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини бевосита ўзлари ҳудудий ички ишлар органларига, ўзга давлат органлари ва ташкилотларга, шунингдек профилактика инспекторларига ёки ички ишлар органларининг бошқа ходимларига топширилишига йўл қўйилмайди.

Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш масалалари бўйича мурожаат қилинганда, фуқаро томонидан уларни мурожаат қилиш вақтида айнан қаерда эканлиги (квартира, уй, дала ҳовли, хонадон, иншоот, транспорт воситаси, ҳудуднинг аниқ бир участкаси, бошқа жойлар) кўрсатилади.

15. Фуқаро томонидан унинг ёнида ёхуд у кўрсатган жойда бўлган ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри

билан топшириш юзасидан ҳудудий ички ишлар органига, профилактика инспектори ёки ички ишлар органларининг бошқа ходимларига мурожаат қилинганда фуқаро мурожаат қилган ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ёки бошқа ходими қўйидагиларга мажбур:

фуқарога мутахассис етиб келгунга қадар хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари билан бирор-бир ҳаракатларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслиги юзасидан йўл-йўриқ беришга;

зудлик билан ички ишлар органининг бошлиғига (фуқаро томонидан тезкор навбатчига мурожаат қилинганда) ёки ички ишлар органининг тезкор навбатчисига (фуқаро томонидан профилактика инспектори ёки ички ишлар органининг бошқа ходимларига мурожаат қилинганда) ахборот беришга.

16. Ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг хусусиятидан, сонидан ва ҳақиқатда жойлашган жойидан ҳамда ўзга ҳолатлардан келиб чиқиб ички ишлар органи бошлиғининг кўрсатмаси билан тезкор навбатчи томонидан белгиланган тартибда ички ишлар органларининг махсус режалари амалга киритилиши мумкин.

17. Фуқаронинг ёнида ёки бошқа жойда ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари борлиги тўғрисида мурожаат келиб тушганда ички ишлар органи бошлиғининг кўрсатмасига асосан тезкор навбатчи томонидан ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари бўлган жойга хизмат вазифаларига портловчи қурилмаларни ва портлаш хавфи бўлган предметларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш вазифалари киритилган ички ишлар органининг мутахассис ходими (бундан буён матнда — портлатиш техниги деб юритилади) уларни хавфсиз ташиш ва сақлаш имкони мавжудлигини аниқлаш учун юборилади. Портлатиш технигининг жойига чиқиши Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ёки тезкор навбатчисининг кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

18. Портлатиш техниги етиб келгунга қадар ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари билан бирор-бир ҳаракатлар амалга оширилиши тақиқланади.

Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини портлатиш техниги иштирокисиз кўздан кечириш, текшириш ва қабул қилиб олиш бўйича бирор-бир ҳаракатлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

19. Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини кўздан кечириш натижалари бўйича портлатиш техниги томонидан мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини кўздан кечириш далолатномаси тузилади. Далолатномада ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини хавфсиз ташиш ва (ёки) сақлашни имкони мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса қилинади.

Далолатнома ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш бўйича материалларга қўшиб қўйилади.

20. Портлатиш техниги томонидан ташишга ва ихтисослаштирилган омборлар шароитларида сақлашга хавфсиз деб топилган ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ички ишлар органларига қабул қилинишига ва сақланишига йўл қўйилмайди, улар портловчи моддаларни сақлаш учун жиҳозланган омборхоналарга (базаларга, арсеналларга) сақлаш ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг полигонларида йўқ қилиш учун топширилади.

21. Портлатиш техниги томонидан хавфсиз ташиш ва ҳудудий ички ишлар органларида сақлашнинг имкони мавжудлиги аниқланган ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари портлатиш техника экспертизасини ўтказишга рухсати бўлган экспертлари ва бу турдаги экспертизани (тадқиқотни) ўтказиш учун тегишли шароитлари мавжуд бўлган ҳудудий ички ишлар органининг эксперт-криминалистика бўлинмасига юборилади.

Ҳудудий ички ишлар органининг эксперт-криминалистика бўлинмаси экспертларида портлатиш техника экспертизасини амалга оширишга рухсати ва (ёки) бу турдаги экспертизани (тадқиқотни) ўтказишга тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари экспертиза (тадқиқот) учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг портлатиш техникаси тадқиқотлари бўлинмасига юборилади.

Хавфсиз ташилиши ва сақланиши мумкин бўлган ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топшириш бўйича материалларни расмийлаштириш, ички ишлар органларининг криминалистика ва қидирув ҳисоблари орқали текшириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ҳудудий ички ишлар органига қабул қилиниши, ҳисоби юритилиши ва сақланиши фақат портлатиш техника экспертизасининг хулосасида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

22. Портлатиш техниги томонидан хавфсиз тарзда ташиш ва сақлашнинг имкони йўқлиги аниқланган ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ҳудудий ички ишлар органлари томонидан қабул қилинишига ва сақланишига йўл қўйилмайди ҳамда улар зарурий хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда Портловчи қурилмаларни, портлашдан хавфли предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус вазифаларни бажариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ жойида йўқ қилинади. Йўқ қилиш ва йўқ қилиш усули тўғрисидаги қарор портлатиш техниги томонидан қабул қилинади ҳамда бу ҳақда Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини кўздан кечириш далолатномасида тегишли ёзув қайд қилинади.

23. Эксперт-криминалистика бўлинмасида текширилишига эҳтиёж бўлмаган, шунингдек эксперт-криминалистика бўлинмаси томонидан текширувдан ўтказилган ҳамда ашёвий далил деб топилмаган ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ўн кунлик муддатда йўқ қилинади.

3-боб. Яқуний қоидалар

24. Ўз ихтиёри билан топширилган ҳамда ашёвий далил деб эътироф этилган ўқотар қурол ва ўқ-дориларнинг, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ҳисоби юритилиши ва сақланиши жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Юридик шахслар томонидан ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топширилиши юридик шахс раҳбарининг аризаси асосида мазкур Қоидалар билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Аризада ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини топширишга ваколатли ходимнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

26. Ўз ихтиёри билан топширилган ҳар бир ҳолат юзасидан ички ишлар органлари томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 329-330-моддаларида назарда тутилган тартибда терговга қадар текширув ўтказилиб, қонуний қарор қабул қилинади.

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларига
1-ИЛОВА

_____ бошлиғи
(ички ишлар органи номи, унвони,
_____ фамилияси, исмининг бош ҳарфи)
_____ га

Ўқотар қурол ва патронларни ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида АРИЗА

Ариза берилган сана: кун: _____; ой: _____; йил: _____.
Аризани бериш шакли: _____
(ёзма / оғзаки)

Аризачи ҳақидаги маълумотлар

фамилияси: _____ исми: _____ отасининг исми: _____
туғилган йили _____, туғилган жойи: _____

Рўйхат бўйича яшаш жойининг манзили: _____

Амалда яшаш жойининг манзили: _____

Паспорт: серияси _____; рақами _____; берилган сана _____; берган орган _____

Телефон рақамлари: уяли _____, уй _____, бошқа _____

Мендан ўз ихтиёрим билан топширилаётган қуйидаги _____ дона қурол ва (ёки) _____ дона патронларни белгиланган тартибда қабул қилиб олишингизни сўрайман:

ЎҚОТАР ҚУРОЛ:

Т/р	Тури (винтовка, карабин, пистолет, автомат, револьвер)	Системаси, русуми, модели («ТОЗ», «ИЖ» ва ҳ. к.)	Калибри	Заводда қўйилган серияси, рақами	Ишлаб чиқарилган йили
1.					
2.					
3.					

Бошқа маълумотлар: _____
(аризачи қурол турини билмаганда ёки қуролни идентификациялашнинг

_____ имкони бўлмаганда ўзга маълумотлар кўрсатилади)

Ариза берилаётган вақтда қурол(лар): _____
_____ да сақланмоқда.

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларига
2-ИЛОВА

_____ бошлиғи
(ички ишлар органи номи, унвони,
_____ фамилияси, исмининг бош ҳарфи)
_____ га

Ўқотар қурол ва патронларни ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида АРИЗА

Ариза берилган сана: кун: _____; ой: _____; йил: _____.
Аризани бериш шакли: _____
(ёзма / оғзаки)

Аризачи ҳақидаги маълумотлар

фамилияси: _____ исми: _____ отасининг исми: _____
туғилган йили _____, туғилган жойи: _____

Рўйхат бўйича яшаш жойининг манзили: _____

Амалда яшаш жойининг манзили: _____

Паспорт: серияси _____; рақами _____; берилган сана _____; берган орган _____

Телефон рақамлари: уяли _____, уй _____, бошқа _____

Мендан ўз ихтиёрим билан топшириладиган қуйидаги миқдордаги _____ (дона, гр., кг., метр) ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ва (ёки) портлатиш қурилмаларини белгиланган тартибда қабул қилиб олишингизни сўрайман:

Т/р	Тури (ўқ-дори, модда, қурилма)	Русуми (граната, динамит, бошқа портловчи модда, детонатор, торпеда ва ҳ. к.)	Қадоқлаш тури (пачка, контейнер, қоп, сочилган ҳолда ва ҳ. к.)	Миқдори (дона., гр., кг., метр, адад)
1.				
2.				
...				

Бошқа маълумотлар: _____
(аризачи ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари турини билмаганда ёки

_____ қуролни идентификациялашнинг имкони бўлмаганда ўзга маълумотлар кўрсатилади)

Ариза бериладиган вақтда улар: _____
(ўқ-дорилар, моддалар ва (ёки) қурилмалар сақланаётган (турган) аниқ жой,

_____ бу жойда аҳоли яшаш сектори мавжудлиги, яқинида фуқароларнинг мавжудлиги,

ушбу жойга ўзга шахсларнинг тўсиқсиз ўтиши имкони мавжудлиги ва бошқа маълумотлар)

Ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларига эгалик қилишнинг ҳолатлари ва манбаларининг қисқача таърифи: _____

_____ (имзо)

(_____) (фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган
ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини,
портловчи моддалар ва портлатиш қурилма-
ларини ички ишлар органлари ихтиёрига
топшириш қоидаларига
З-ИЛОВА

_____ бошлиғи
(ички ишлар органи номи, унвони,

_____ га
фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

**Ўз ихтиёри билан топширилган ўқотар қурол ва
патронлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида
БИЛДИРГИ**

Мен, _____
(ички ишлар органи профилактика инспекторининг лавозими,

_____ томондан
унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

20__ йил «__» _____ куни _____
(қурол ва патронларни топширган фуқаронинг

_____ дан,
фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили)

_____ (ўқотар қурол ва патронлар топширилган жой ва ҳолатларининг қисқача таърифи)

_____ да
ўз ихтиёри билан топширган _____
(ҳар бир ўқотар қуролнинг тури (системаси), русуми, модели, калибри,

_____ серияси, рақами ва ишлаб чиқарилган йили; патронларнинг сони, тури ва калибри кўрсатилади)

_____ қабул қилиб олинди.

Дастлабки кўздан кечиришда қуйидагилар аниқланди: _____
(қуролнинг, патронларнинг

_____ умумий техник ҳолати, улардаги кўриниб турган нуқсонлар ва носозликлар:

_____ сидирилиш, қирилиш, стволдаги чуқурликлар, қисмлардаги коррозия [чириш, занглаш] ва ҳ. к.)

_____ (сана)

_____ (лавозими, унвони, имзо)

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларига
4-ИЛОВА

Ўз ихтиёри билан топширилган ўқотар қурол ва патронларни КЎЗДАН КЕЧИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____
(шаҳар, туман, аҳоли яшаш пункти номи)

Мен, _____
(ўқотар қурол ва патронларни қабул қилаётган ички ишлар органи тезкор

_____ ТОМОНДАН,
навбатчисининг лавозими, унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

_____ ЯШОВЧИ
(ўқотар қурол ва патронларни топшираётган фуқаронинг яшаш манзили,

фуқаро _____ НИНГ
фамилияси, исми ва отасининг исми)

Ўз ихтиёри билан қурол ва патронларни топшириш тўғрисидаги 20__ йил
«__» _____ кундаги _____-рақам билан қайд этилган аризасига асо-
сан, фуқаро _____
(қурол ва патронларни топшираётган фуқаронинг, уларни кўздан кечириш ва қабул қилишда

_____ иштирокида
иштирок этган бошқа шахсларнинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

қуйидаги қурол ва патронлар кўздан кечирилди ва қабул қилиб олинди:

Т/р	Тури (системаси), русуми, модели, калибри, серияси, рақами ва ишлаб чиқарилган йили (патронларнинг тури, калибри ва сони)	Топшириш тўғрисидаги ариза бўйича топширилаётган	Амалда қабул қилиб олинди	Етишмайди	Ортиқчаси
1.					
2.					
...					

Хулоса ва таклифлар: _____

_____ (тезкор навбатчининг унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

_____ (имзо)

_____ (қурол ва ўқ-дори топширган фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

_____ (имзо)

_____ (қабул қилишда қатнашган фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

_____ (имзо)

_____ (қабул қилишда қатнашган фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи)

_____ (имзо)

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларига
5-ИЛОВА

Ўз ихтиёри билан топширилган ўқотар қурол ва (ёки) патронларни қабул қилиб олинганлиги тўғрисида
КВИТАНЦИЯ

_____сонли қвитанция бўлаги	_____сонли қвитанция	_____сонли қвитанция бўлаги
Қабул қилиб олинган қурол ва ўқ-дориларга	Қабул қилиб олинган қурол ва ўқ-дориларга	Қабул қилиб олинган қурол ва ўқ-дориларга
Қабул қилинди: _____ <small>(қурол ва патронларни топшираётган</small>	Қабул қилинди: _____ <small>(қурол ва патронларни топшираётган</small>	Қабул қилинди: _____ <small>(қурол ва патронларни топшираётган</small>
_____ <small>фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи, яшаш мангиси)</small>	_____ <small>фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи, яшаш мангиси)</small>	_____ <small>фуқаронинг фамилияси, исмининг бош ҳарфи, яшаш мангиси)</small>
Қурол _____ калибри _____ серияси _____ рақами _____ и. ч. йили _____	Қурол _____ калибри _____ серияси _____ рақами _____ и. ч. йили _____	Қурол _____ калибри _____ серияси _____ рақами _____ и. ч. йили _____
Вақтинчалик тартиб рақами (зарурат бўлганда) _____	Вақтинчалик тартиб рақами (зарурат бўлганда) _____	Вақтинчалик тартиб рақами (зарурат бўлганда) _____
Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>	Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>	Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>
_____ <small>ва носозликлар)</small>	_____ <small>ва носозликлар)</small>	_____ <small>ва носозликлар)</small>
Патронлар _____ <small>(сон ва ҳарфлар билан тури,</small>	Патронлар _____ <small>(сон ва ҳарфлар билан тури,</small>	Патронлар _____ <small>(сон ва ҳарфлар билан тури,</small>
_____ <small>калибри ва миқдори)</small>	_____ <small>калибри ва миқдори)</small>	_____ <small>калибри ва миқдори)</small>
Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>	Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>	Умумий техник ҳолати _____ <small>(ташқи нуқсонлар</small>
_____ <small>ва носозликлар)</small>	_____ <small>ва носозликлар)</small>	_____ <small>ва носозликлар)</small>
Қабул қилди: _____ <small>(қурол ва патронларни қабул қилган навабтчининг</small>	Қабул қилди: _____ <small>(қурол ва патронларни қабул қилган навабтчининг</small>	Қабул қилди: _____ <small>(қурол ва патронларни қабул қилган навабтчининг</small>
_____ <small>лавоими, унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи, имжоси)</small>	_____ <small>лавоими, унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи, имжоси)</small>	_____ <small>лавоими, унвони, фамилияси, исмининг бош ҳарфи, имжоси)</small>
20__ йил «__» _____	20__ йил «__» _____	20__ йил «__» _____
<i>(қурол ва патронларни топширган фуқарога берилади)</i>	<i>(қурол билан бирга сақланади)</i>	<i>(навабтчилик қисмида сақланади)</i>

Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган
ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, порт-
ловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари-
ни ички ишлар органлари ихтиёрига топши-
риш қоидаларига
6-ИЛОВА

**Ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш
қурилмаларини
КЎЗДАН КЕЧИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20___ йил «___» _____
(шаҳар, туман, аҳоли яшаш пункти номи)

Мен, _____
(ўқ-дориларни, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини кўздан кечириётган

_____ ТОМОНДАН,
портлатиш технигининг лавозими, унвони, фамилияси, исмининг бош харфи)

бевосита _____
(ички ишлар органи ходимларининг лавозимлари, унвонлари, фамилиялари, исмининг бош харфи,

заруратга қараб — портлаш хавфи бўлган ашёни ўз ихтиёри билан топшириши тўғрисида

_____ хабар берган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили)

_____ иштирокида,
қуйидаги манзил бўйича аниқланган: _____
(кўздан кечириладиган предмет аниқланган

_____ жойнинг манзили ва шу жойнинг қисқача таърифи)

қуйидаги портлаш хавфи бўлган предметлар кўздан кечирилди: _____
(ўқ-дори, портлаш

_____ хавфи бўлган предмет аниқланганда тўлдирилади — ўқ-дорининг сони (оғирлиги), тури, номланиши ва калибри;

_____ портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг сони (оғирлиги), тури (системаси), русуми, номланиши;

_____ корпусдаги, портлатгичдаги белгилари (маркировкаси), алоҳида хусусиятлари;

_____ қўлбола портлатиш қурилмаси аниқланган тақдирда — унинг классификацияси, корпуси, портловчи модданинг заряди

_____ (тури, оғирлиги), бошқарув механизми, портлатиш (ҳаракатга келтириш) воситаси, электр таъминот манбаси

_____ (тури, вольт, ампер), бирлаштирувчи симлар (изоляция қобигининг ранги), бошқа маълумотлар)

Кўздан кечиришда қўлланилди _____
(аниқлаш воситалари кўрсатилади: портловчи модда мавжудлигини кўрсатувчи

экспресс-анализ комплекти ва уларни қўллашнинг натижалари; портловчи моддаларнинг парларини аниқловчи детектор

ва уларни қўллашнинг натижалари; хизмат ити ва уни қўллашнинг натижалари)

Портловчи моддалари бўлган предметларни зарарсизлантириш (хавфсиз ҳолатга келтириш) учун қўрилган чоралар _____

Кўздан кечириш натижалари бўйича аниқланди: _____
(1) хавфсиз ташилиши ёки

(2) хавфсиз ташилиши ва сақлиниши имкони мавжудлиги;

ёхуд (3) хавфсиз ташилиши ва сақлиниши имкони йўқлиги кўрсатилади)

Кўздан кечириш натижалари бўйича хулоса: _____
(аниқланган предметлар (1) портловчи моддаларни

сақлашга мўлжалланган омборхоналарда (базаларда, арсеналларда) сақлаш учун

ёки ИИБ полигонларида йўқ қилиниши учун топширилиши;

(2) тадқиқот (экспертиза) ўтказиш учун ҳудудий ички ишлар органининг эксперт-криминалистика бўлинмасига юборилиши

(ИИБ Эксперт-криминалистика бош марказининг портлатиш техникаси тадқиқотлари бўлинмасига топширилиши);

(3) аниқланган жойнинг ўзида йўқ қилиниши лозим)

Ашёлар аниқланган жойнинг ўзида йўқ қилинди _____
(йўқ қилиш усули,

йўқ қилиш учун ишлатилган мосламалар, қўрилган хавфсизлик чоралари кўрсатилади)

Далолатнома тузувчи:

_____ (портлатиш техниги)

_____ (имзо)

Қатнашдилар:

_____ (ички ишлар органи ходими)

_____ (имзо)

_____ (ички ишлар органи ходими)

_____ (имзо)

(фукаронинг фамилияси, исми, отасининг исми)

(имзо)

Далолатноманинг биринчи нусхасини ижро (мавжуд материалларга қўшиш) учун олдим

(ички ишлар органининг масъул ходими)

(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1052 Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 август,
21/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
26 августдаги 21/8-сон қарорига
ИЛОВА

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ломбардлар учун бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда бухгалтерия операцияларини амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш бўйича белгиланган талаблар барча ломбардлар учун мажбурийдир.

2. Ломбардлар қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши, шунингдек ҳар бир ломбарднинг иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар айланиш тартибини белгилаши лозим.

3. Ломбардларнинг бухгалтерия операцияларини ҳисобварақларда акс эттириш мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси (бундан буён матнда Ҳисобварақлар режаси деб юритилади) ва уни қўллаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни ташкил этиш

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни ташкил этиш бухгалтерия ҳисоби субъекти — ломбард раҳбари амалга оширади. Ломбард раҳбари, бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари (бундан буён матнда бош бухгалтер деб юритилади) бошчилигида бухгалтерия ҳисоби хизмати — бухгалтерия аппаратини ташкил этади. Бош бухгалтер мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган Ломбард бош бухгалтери тўғрисидаги намунавий низом асосида иш олиб боради.

Бухгалтерия аппарати ходимларининг лавозим вазифалари ишлаб чиқилган ва ломбард раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши зарур.

5. Ломбард раҳбари ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилишини, ички назорат тартибини, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини, ҳисоб ҳужжатларининг бут сақланишини, молиявий ҳисоботнинг тайёрланишини, солиқ ҳисоботининг ва бошқа молиявий ҳужжатларнинг тайёрланишини,

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаши шарт.

6. Ломбард раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи шахс киради.

7. Ломбардлар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш Ломбардлар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь) асосида амалга оширилади.

8. Ломбардларда ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

9. Ички назоратни ташкил этиш тартиби ломбард раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида белгиланиши лозим.

3-боб. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда уларни расмийлаштириш

1-§. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари

10. Операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлади.

11. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

ломбард номи;

ҳужжатнинг номи, рақами ва тузилган санаси;

хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);

хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёки бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

12. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

13. Қонун ҳужжатларида белгиланган мақсадлар учун банклардан нақд пуллар олиш ва топшириш операциялари Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада

(рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Ломбардлар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги ёзувлар қуйидаги бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида акс этирилади:

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги чиқим касса ордери;

мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги кирим касса ордери;

мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги мемориал ордер;

мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги кирим терминал ордери;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа тўлов ҳужжатлари.

16. Ломбардларда бухгалтерия ҳисоб регистрлари бўлган бош ва ёрдамчи китоблардан фойдаланилади.

17. Мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган шаклдаги бош китоб Ҳисобварақлар режасидаги ҳисобварақлардан иборат бўлиб, унда ҳисобот санаси бошига қолдиқ, кирим ва чиқим операциялари айланмалари ҳамда ҳисобот санаси охирига қолдиқ суммалари кўрсатилади.

18. Бош китоб маълумотлари ёрдамчи китоблар маълумотлари асосида шакллантирилади.

19. Ломбардда қуйидаги ёрдамчи китоблардан фойдаланилади:

мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Кунлик молиявий-ҳўжалик операцияларни қайд этиш журнали;

мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги Кирим касса ордерларини қайд этиш журнали;

мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги Чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали;

мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги берилган Кредитларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа хусусий мулкларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 19-иловасига мувофиқ шаклдаги Капитални ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 20-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур Низомнинг 21-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси.

20. Ломбардлар бухгалтерия ҳисоби регистрларига мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда қўшимча устун ва сатрлар киритишлари мумкин.

21. Бухгалтерия ҳисоби регистрларига ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси иштирокчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ҳамда ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

22. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида яратилиши, ишлов берилиши, тақдим этилиши ва сақланиши мумкин.

23. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда тузилганда, улар барча мажбурий реквизитларига эга бўлиши лозим.

Электрон ҳужжатларни сақлашда уларни олиш ва қоғоз шаклидаги нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланган бўлиши шарт.

24. Ҳисоб регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юритилганда, кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журналлари ҳар бир иш куни учун, Бош китоб ҳамда берилган кредитларни ҳисобга олиш қайдномаси ҳар ой учун алоҳида қоғозга чоп этилиб, хронологик тартибда тикилади, ўсиб бориш тартибида рақамланади ҳамда варақлар сони кўрсатилган ҳолда ломбард раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланади.

25. Кунлик амалга оширилган барча молиявий-хўжалик операциялари хронологик тартибда кунлик молиявий-хўжалик операцияларни қайд этиш журналарида қайд этиб борилади.

Кунлик молиявий-хўжалик операцияларни қайд этиш журнали электрон кўринишда ўрнатилган тартибда сақланади ва зарур ҳолларда молиявий-хўжалик операциялар рўйхати ушбу журналнинг тегишли қисмидан чоп этилади.

26. Ёрдамчи китобларда акс эттирилган молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳар ой охирида ҳар бир ҳисобварақнинг дебет ва кредити бўйича айланма суммаси жамланади ва ҳисобот даврининг охирига қолдиқ чиқарилади.

27. Бош ва ёрдамчи китоблар Ҳисобварақлар режаси номенклатурасига мос иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлари бўйича ҳар ой учун алоҳида юритилиши лозим.

28. Ҳар бир молиявий-хўжалик операциясининг суммаси иккиёқлама

ёзув қоидасига амал қилган ҳолда бир вақтнинг ўзида иккита ёрдамчи китобда қайд этилади. Бунда биринчисида — ҳисобварақнинг дебети бўйича кредитланадиган ҳисобварақнинг рақамини кўрсатган ҳолда, иккинчисида — ҳисобварақнинг кредити бўйича дебетланадиган ҳисобварақнинг рақамини кўрсатган ҳолда ёзилади.

2-§. Бухгалтерия ҳисобини юритиш босқичлари

29. Бухгалтерия ҳисобини юритиш босқичлари молиявий операциялар таҳлилидан бошланиб, молиявий ҳисоботларни тузиш ва ҳисобварақларни ёпишгача бўлган ҳисоб жараёнининг кетма-кет босқичини ўз ичига олади.

30. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қўйидаги босқичлардан иборат:

а) барча молиявий-ҳўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш (кирим касса ордери, чиқим касса ордери ва бошқа бошланғич ҳужжатлар);

б) ёрдамчи китобларда операцияларни рўйхатга олиш;

в) ойнинг охирида ёрдамчи китоблардаги ҳисобварақлар қолдигини чиқариш ва Бош китобга ўтказиш;

г) молиявий ҳисоботни тайёрлаш;

д) ҳисобот йили охирида фойда ва зарарлар ҳисобварақларини ёпиш;

е) йиллик молиявий ҳисоботни тузиш.

4-боб. Ломбардларда бухгалтерия операциялари ҳисоби

1-§. Касса операцияларининг бухгалтерия ҳисоби

31. Ломбардларда касса операциялари Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) мувофиқ амалга оширилади.

32. Кирим ва чиқим касса операциялари устидан назорат махсус ажратилган бухгалтер-назоратчи томонидан, агар ломбардда бу лавозим кўзда тутилмаган бўлса, ломбард раҳбарининг буйруғи асосида бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

33. Нақд пул маблағларини кассадан беришда бухгалтер-назоратчи бир нусхада чиқим касса ордерини расмийлаштириб, чиқим касса ордерларини қайд этиш журналига тегишли ёзувларни киритади. Чиқим касса ордери ломбард раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва кассага топширилади.

34. Нақд пул маблағларини кассага киришда, бухгалтер-назоратчи бир нусхада кириш касса ордерини расмийлаштиради, кириш касса ордерларини қайд этиш журналига тегишли ёзувларни киритади. Кириш касса ордери пул маблағларини топширувчи ва бош бухгалтер томонидан имзоланиб, кассага топширилади.

35. Кириш ва чиқим касса ордерлари бухгалтер-назоратчи томонидан кассага топширилади.

36. Кассир кун охирига касса қолдигини чиқариб, бухгалтер-назоратчи-

га кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни (касса дафтаридаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) кирим ва чиқим касса ордерлари билан биргаликда тақдим қилади.

Ўз навбатида, бухгалтер-назоратчи томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журналларидаги ёзувлар кассир ҳисоботидаги маълумотлар билан ҳамда кун охирига чиқарилган касса қолдиғи кассада ҳақиқатда мавжуд бўлган нақд пул маблағлари суммаси билан солиштирилади.

Солиштириш натижаси тўла мос келганда бухгалтер-назоратчи касса дафтарига имзо чекади. Шундан сўнг, кун давомида амалга оширилган касса операциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс этирилади.

Солиштириш натижаси мос келмаганда, камомад суммаси 19908 — «Ломбард ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги ундириб олинган лозим бўлган маблағлар» ҳисобварағининг дебетига, ортиқча пул маблағлари 45994 — «Бошқа фойсиз даромадлар» ҳисобварағининг кредитига олиб борилади.

2-§. Кредит операциялари ҳисоби

37. Ломбард билан миқоз ўртасида кредит шартномаси имзоланган санада миқозга ссуда ҳисобварағи очилади. Ссуда ҳисобварақлари ҳар бир қарздор билан имзоланган кредит шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

38. Амалдаги кредит шартномалари бухгалтерияда бош бухгалтер жавобгарлиги остида сақланади. Сўндирилган шартномалар жорий архивда белгиланган муддат давомида сақланади.

39. Кредит олувчига нақд пул маблағларни бериш мазкур бобнинг биринчи параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Кредит нақд пулда берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 12401 — «Миқозларга берилган кредитлар»

Кредит 10101 — «Кассадаги пул маблағлари».

41. Кредит миқозга нақд пулсиз шаклда берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 12401 — «Миқозларга берилган кредитлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олинганча сақланган депозитлар».

42. Кредит бўйича фойзларни ҳисоблаш ломбард ҳамда миқоз ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан кредит қолдиғига нисбатан амалга оширилади.

43. Кредитлар бўйича фойзлар ломбард ва унинг миқоз ўртасида тузилган шартномада белгиланган фойз ставкасига мувофиқ кредитнинг ҳақиқий қолдиғига нисбатан кунлик ҳисобланади.

44. Кредитлар бўйича фойзлар кредит берилган кундан бошлаб ҳар куни ҳисобланади. Кредит сўндирилган кун учун фойзлар ҳисобланмайди. Фойзларни тўлаш тартиби ва муддатлари кредит шартномаси билан белгиланади.

45. Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни акс эттириш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 16307 — «Кредитлар бўйича олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»

Кредит 42001 — «Мижозларга берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар».

46. Кредитни қайтариш бўйича нақд пул маблағларини ҳисобга олиш мазкур бобнинг биринчи параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Кредит бўйича тўловлар банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда сўндирилганда ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда бир нусхада кирим терминал ордери расмийлаштирилади.

48. Кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни сўндиришда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилди:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари» (нақд пулда сўндирилганда)

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланган депозитлар» (пул ўтказиш йўли билан сўндирилганда)

Дебет 10509 — Йўлдаги нақдсиз маблағлар (банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда сўндирилганда)

Кредит 12401 — «Мижозларга берилган кредитлар»

Кредит 16307 — «Кредитлар бўйича олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар».

49. Мижозлар томонидан асосий қарз, улар бўйича ҳисобланган фоизлар ва бошқа тўловлар нақд пулсиз, шу жумладан банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказишда нақд пулсиз шаклидаги тўлов ҳисоби ломбарднинг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи кўчирмаси асосида 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланган депозитлар» ҳисобварағи дебитида акс эттирилади.

10500 — «Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар» ҳисобварақнинг ҳар бир иккинчи тартибли ҳисобварағи бўйича амалга оширилган барча операциялар ҳисоби мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

50. Кредитнинг асосий суммаси ёки фоизлари белгиланган муддатда қайтарилмаганда, шартнома шартларига мувофиқ ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан пеня ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16405 — «Ҳисобланган жарима ва пенялар»

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар».

51. Кредитнинг асосий суммаси ёки фоизлар қайтарилиши 60 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда ломбард раҳбарининг тегишли буйруғига асосан бундай кредитлар бўйича фоизлар баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади ҳамда улар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган барча фоизлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 420** — Берилган кредитлар бўйича фоизли даромадларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 163** — Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағининг тегишли ҳисобварағи.

Шунингдек, ушбу фоизлар суммасини кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида акс эттириш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 91501 — «Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

Кредит 96335 — «Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи».

52. Фоизлар баланسدан ҳисобдан чиқарилганидан сўнг, фоизларни кейинги ҳисоблаш (агар шартномада кўзда тутилган бўлса) фақат баланسدан ташқари 91501 — «Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар» ва 91505 — «Бошқа активлар бўйича ҳисобланган фоизлар» ҳисобварақларида ломбарднинг кредит шартномасида белгиланган муддат давомида амалга оширилади.

53. Муддати ўтган кредитлар бўйича нотариуснинг ижро хати олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 15705 — «Нотариуснинг ижро хати олинган муддати ўтган кредитлар»

Кредит 12405 — «Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар».

54. Ажратилган кредит гаров билан таъминланмаган ҳолатга келганда (гаров нарсаи йўқотилганда, ўғирланганда, форс-мажор ҳолатларда) мазкур кредитлар ўз таъминотини йўқотган деб ҳисобланади.

55. Ўз таъминотини йўқотган кредитлар бўйича 100 фоиз миқдорида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси шакллантирилади ва шакллантирилган захира бўйича харажатлар жорий давр учун «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 56802 — «Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кредит 12499 — «Мижозларга берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)».

56. Қарздор томонидан захира шакллантирилган актив бўйича маблағлар қайтарилганда захиралар 56802 — «Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» (захира ҳисобот йилида яратилган бўлса) ҳисобварағига ёки 45921 — «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши» (захира ҳисобот йилидан олдинги йилда яратилган бўлса) ҳисобварағига олиб борилади ва жорий давр учун «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттирилади.

57. Юқори бошқарув органи қарори асосида тегишли захиралар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар ҳисоби балансинг «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағида юритилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 12499 — «Мижозларга берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

Кредит 124** — Берилган кредитларнинг тегишли ҳисобварағи.

Дебет 95413 — «Ҳисобдан чиқарилган кредитлар»

Кредит 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ».

58. Бунда захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилган активнинг келгуси ҳисоби 95413 — «Ҳисобдан чиқарилган кредитлар» ҳисобварағида юритилади. Захира ҳисобига ҳисобдан чиқарилган активлар баланسدан ташқари «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларида 3 (уч) йил мобайнида юритилиши ва ломбард томонидан уларни ундириш бўйича тегишли чоралар кўрилиши шарт.

Кўрилган чоралар натижасида қарздорлик қопланмаган тақдирда, баланسدан ташқари ҳисобварақларда ҳисоби юритилаётган актив ва унга ҳисобланган фоизлар ломбард томонидан юқори бошқарув органи қарори асосида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

59. Аввал ҳисобдан чиқарилган кредитлар бўйича асосий қарз ва фоизлар мижоз томонидан қопланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 10101 — «Кассадаги пул маблағлари», ёки

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 45921 — «Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши»

Кредит 42005 — «Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар».

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида олдин ҳисобдан чиқарилган кредит суммаси (асосий қарз)га:

Дебет 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»

Кредит 95413 — «Ҳисобдан чиқарилган кредитлар».

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида олдин ҳисобдан чиқарилган фоизлар суммасига:

Дебет 96335 — «Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи»

Кредит 91501 — «Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

Бунда, барча кейинги тўловлар, бошқа келишув бўлмаса, биринчи навбатда кредит бўйича пенялар, сўнгра фоизлар ва кредитнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилади.

60. Ломбард томонидан ажратилган кредитлар ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги Берилган кредитларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

3-§. Кредит таъминоти сифатида гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мулклар ҳисоби

61. Ломбард томонидан кредит таъминоти сифатида гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мол-мулклар бўйича бериладиган гаров паттаси ҳамда сақлов қвитанцияси Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни

амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

62. Ломбард томонидан мол-мулклар кредит таъминоти сифатида гаровга ёки сақловга қабул қилинганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади.

а) гаровга қабул қилинганда:

Дебет 94502 — «Гаров сифатида олинган мулклар»

Кредит 96381 — «Гаров сифатида ва сақловга қабул қилинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ»;

б) сақловга қабул қилинганда:

Дебет 94503 — «Сақловга қабул қилинган мулклар»

Кредит 96381 — «Гаров сифатида ва сақловга қабул қилинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ».

63. Мулк гарови билан таъминланган кредитнинг суммаси ўз муддатида қайтарилмаганда, ломбард Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289-моддасида белгиланган тартибда ушбу мулкни сотиш ҳуқуқига эга.

64. Гаровга қўйилган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали кириш қилинади:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар».

65. Гаровга қўйилган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар, бошқа келишув бўлмаса, биринчи навбатда кредит бўйича пенялар, сўнгра фоизлар ва кредитнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилиши лозим.

66. Гаровга қўйилган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар ҳисобидан пеня, фоиз ва кредитнинг асосий қарзини сўндиришда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 16405 — «Ҳисобланган жарима ва пенялар», ёки

Кредит 16377 — «Муддати ўтган ҳисобланган фоизлар», ёхуд

Кредит 42005 — «Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар» (агар фоизлар балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинаётган бўлса)

Кредит 15705 — «Нотариуснинг ижро хати олинган муддати ўтган кредитлар».

67. Гаровга қўйилган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар кредит бўйича талабни қондиришга етарли бўлмаса, етмаган сумма миқдоридида шакллантирилган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисобидан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 56842 — «Суд жараёнидаги ва нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кредит 15799 — «Суд жараёнидаги ҳамда нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»;

Дебет 15799 — «Суд жараёнидаги ҳамда нотариуснинг ижро хати олин-

ган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

Кредит 15705 — «Нотариуснинг ижро хати олинган муддати ўтган кредитлар».

68. Агар, кредитни сўндириш гаровга олинган мулк ҳисобидан, ушбу мулкка эгалик ҳуқуқини олиш орқали амалга оширилса, кредитнинг баланс қиймати ёки гаровга олинган мулкнинг ҳаққоний қийматидан (уни сотиш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда) энг ками бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16701 — «Бошқа хусусий мулклар»

Кредит 16377 — «Муддати ўтган ҳисобланган фоизлар», ёки

Кредит 42005 — «Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар» (агар фоизлар балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинаётган бўлса)

Кредит 15705 — «Нотариуснинг ижро хати олинган муддати ўтган кредитлар».

69. Гаров ҳисобидан ундирилган мулк қийматининг ҳар қандай салбий ўзгариши 16799 — «Хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағида акс эттирилиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 56834 — «Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кредит 16799 — «Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)».

70. Гаров ҳисобидан ундирилган мулкни сотишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16799 — «Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

Кредит 16701 — «Бошқа хусусий мулклар».

Гаров ҳисобидан ундирилган мулкни сотишдан тушган маблағларни кирим қилишда:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар;

баланс қийматидан юқори баҳода сотилганда:

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 16701 — «Бошқа хусусий мулклар»

Кредит 45913 — «Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»;

баланс қийматидан паст баҳода сотилганда:

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар

Кредит 16701 — «Бошқа хусусий мулклар».

71. Ломбард гаров ҳисобидан ундирилган мулкни ўз асосий воситала-

ри сифатида ишлатишга қарор қилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Дебет 16799 — «Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

Кредит 16701 — «Бошқа хусусий мулклар».

72. Сақловга қабул қилинган мулкларни сотиш операциялари мазкур параграфга мувофиқ амалга оширилади.

73. Ломбард томонидан кредитни сўндириш ҳисобидан олинган кўчар мулклар ҳисоби бўйича барча операциялар мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа хусусий мулкларни ҳисобга олиш қайдномасида акс эттирилади.

4-§. Асосий воситалар ҳисоби

74. Ломбард фаолиятида молиявий хизматларни кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган, шунингдек бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиш кўзда тутилган моддий активлар асосий воситалар бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган;

бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Ломбард раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

75. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, фойдаланиш ҳуқуқларида харид қилинган ер, кутубхона фонди ва бошқалар киритилади.

Балансда асосий воситалар баланс (қолдиқ) қиймати бўйича акс эттирилади. Асосий воситалар кирим қилинганда балансда бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади.

Бошланғич қийматга асосий воситани сотиб олиш ёки уни қуриш (бино қуриш ва қурилишни тугаллаш) билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан, тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари ҳамда етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бевосита активдан белгиланган мақсадда фойдалана олиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа барча харажатларнинг суммаси киритилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қонунчиликда белгиланган муддатларда қайта баҳоланади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш билан ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тикланиш қиймати дейилади.

76. Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тўловлар

олдиндан тўлиқ ёки қисман ўтказилганда қўйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

Асосий воситалар ломбардга келиб тушганда балансда қўйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар».

77. Моддий активларни кирим қилгандан сўнг тўлов амалга оширилса, кирим ҳужжатлари асосида қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) моддий активлар келиб тушганда уларни балансда акс эттириш: асосий воситалар келиб тушиши билан дарҳол фойдаланишга топширилган тақдирда:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи, ёки

Дебет 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар» (агар реконструкция қилиниши талаб этиладиган бинолар, тугалланмаган қурилишлар ёки қурилиш учун материаллар харид қилинса)

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»;

асосий воситаларни омборга кирим қилиш:

Дебет 16561 — «Омбордаги асосий воситалар»

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»;

б) активлар қиймати тўланганда:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

78. Асосий воситалар текинга олинганда:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 30905 — «Текинга олинган мулклар» (таъсисчилардан олинганда), ёки

Кредит 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар» (бошқа шахслардан олинганда ҳамда инвентаризация натижасида ортиқча аниқланган тақдирда).

79. Ломбард биносини қуриш, қайтадан тиклаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимлар қўйидаги бухгалтерия ёзувини амалга ошириш билан 16505 — «Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағига олиб борилади:

Дебет 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар»

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар».

Бино (иморат)лар фойдаланишга тайёр бўлган тақдирда, уларнинг қий-

мати 16509 — «Ломбарднинг бинолари ва бошқа иморатлари» ҳисобварағига тегишли қабул қилиш далолатномаси асосида ўтказилади. Агарда қурилиш ёки қайта тиклаш харажатлари сметасида мебель ва ускуналар сотиб олиш кўзда тутилган бўлса, уларнинг қиймати қабул қилиш далолатномаси умумий қийматидан алоҳида ажратилади ҳамда тўлиқ рўйхати кўрсатилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

бино қиймати суммасига:

Дебет 16509 — «Ломбарднинг бинолари ва бошқа иморатлари»

Кредит 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар»;

мебель ва ускуналар қиймати суммасига:

Дебет 16535 — «Мебель, мослама ва жиҳозлар»

Кредит 16505 — «Тугалланмаган қурилишлар».

80. Асосий воситаларга амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг фойдалилик хизмати муддати ичида унинг бошланғич қиймати асосида тугатиш қийматини айириш билан эскириш ҳисобланади.

Тугатиш қиймати деганда асосий воситанинг фойдалилик хизмати муддати тугаш вақтида уни тугатиш билан боғлиқ харажатларни айиргандан сўнг олинадиган қиймат ҳисобланади.

Эскиришни ҳисоблаш қуйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин: тўғри чизиқли ҳисоблаш усули;

бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули;

тезлаштирилган усул (камайиб борувчи қолдиқ усули ва йиллар йиғинди усули).

81. Эскиришни ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб сиёсатида белгиланиши ва йил давомида ўзгармаслиги лозим.

82. Эскиришни ҳисоблашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 566** — Эскириш харажатларининг тегишли ҳисобварағи

Кредит 165** — Асосий воситалар бўйича йиғилган эскириш суммаси тегишли ҳисобварағи.

83. Асосий восита объектларининг бошланғич қийматини уларнинг ҳақиқий қийматига мослаштириш мақсадида қайта баҳоланади.

Агар ҳақиқий қийматни етарлича даражада аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, ломбард барча асосий воситаларни битта гуруҳ доирасида қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттиради. Қайта баҳоланган қиймат бу объектларнинг қайта баҳоланган давридаги ҳақиқий қийматидан йиғилган эскириш ва қийматнинг пасайишидан кўрилган зарар суммаси чегириб ташланган қийматдир.

84. Асосий воситаларнинг алоҳида объектларини қайта баҳоланганда асосий воситаларнинг ушбу объектига тегишли барча гуруҳлари қайта баҳоланади. Асосий воситаларнинг бир гуруҳи таркибидаги объектлар бир вақтда қайта баҳоланади.

85. Ломбард тасарруфидаги барча асосий воситалар, уларнинг хўжалик

қарамоғида ёки оператив бошқарувида бўлган, шунингдек учинчи томонга ижарага берилган ва учинчи томондан молиявий ижарага олинган мол-мулк, фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган мол-мулк, консервацияда сақланган, ҳисобдан чиқаришга тайёрлаб қўйилган, лекин тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар қайта баҳоланиши керак.

Ер ва табиатдан фойдаланиш объектлари қиймати қайта баҳоланмайди.

86. Қайта баҳолаш ломбард томонидан мустақил равишда ёки баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган баҳоловчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Асосий воситалар объектнинг ҳақиқий қиймати деб уларнинг бозор қиймати ҳисобланади.

87. Асосий воситаларни қайта баҳолашда қуйидаги усуллар қўлланилади:

индекс усули;

тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули.

88. Қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг баланс қиймати ва қайта баҳолаш кунига шу активларнинг йиғилган эскириши маълум индексдан фойдаланилган ҳолда қайта баҳоланади. Шундан кейин активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириш билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

а) агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив).

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг ўсган қиймати, ушбу актив бўйича олдинги қайта баҳолаш натижасига кўра харажат сифатида ҳисобга олинган қисмидан ошган миқдоридан даромад сифатида ҳисобга олиниши лозим.

б) қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ҳақиқий қиймати камайса, у харажат сифатида ҳисобга олинади. Ушбу сумма 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағидан олдинги қайта баҳолаш натижасида бевосита мазкур актив бўйича ҳосил бўлган ижобий суммадан айириб ташланиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамланган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив)

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив ҳақиқий қийматининг камайиш суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи.

30908 — ҳисобварағида акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган ҳолда, камайиш ва олдинги қайта баҳолаш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси харажат сифатида ҳисобга олинади ва 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар»

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи.

89. Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, алоҳида объектлар қийматини шунга ўхшаш янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор қиймати асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш орқали аниқланади.

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллашда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаш учун ломбард хоҳишига қараб қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

тайёрлов ташкилотларидан ва уларнинг махсус дилерларидан, товар-хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ўхшаш активнинг нарх (баҳо)лари тўғрисида ёзма шаклда олинган маълумотлар;

асосий фондларни сотиб олиш ва қайта баҳолаш кунларидаги Марказий банк курсига нисбатан ҳисоб-китоб коэффициенти аниқланадиган эркин айирбошланадиган валютада сотиб олинган асосий фондларнинг қиймати (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли давлат ташкилотларидаги нарх (баҳо)лар тўғрисида маълумотлар;

қайта баҳолаш даврида оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётда эълон қилинган нарх (баҳо)лар тўғрисидаги маълумотлар;

баҳоловчи ташкилотнинг асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўғридан-тўғри усул билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий восита бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси, шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта баҳолангунга қадар бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффициентга кўпайтирилади.

90. Қайта баҳолашдан кейин активларнинг ҳақиқий қиймати уларнинг бошланғич тикланиш қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққос-

ланади ва фарқ суммаларига мазкур Низомнинг 88-бандига мувофиқ бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

91. Юқоридаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан кейин, активнинг қайта баҳоланган қиймати активнинг қолган ҳисоблаб чиқилган хизмат қилиш муддати давомида эскириш ҳисобланади.

92. 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағидаги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа ҳар ойда тегишли актив тикланиш қийматининг эскириш суммаси билан бошланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг равишда 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиб борилади. Бунда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

93. Асосий воситалар қўйидаги ҳолатларда балансдан чиқарилади:

а) тугатилганда;

б) сотилганда;

в) айирбошланганда;

г) текинга берилганда;

д) бошқа ташкилот устав фондига берилганда;

е) камомад аниқланганда;

ж) таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиқиб кетганда унга устав фондидаги улушни мол-мулк ҳисобидан қайтарилганда.

Тегишли актив ҳисобдан чиқарилаётганда 30908 — ҳисобварағидаги мазкур активга тегишли қайта баҳолашнинг мусбат натижаси тўлиқ 31203 — ҳисобварағига ўтказилади.

94. Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетиши ёки сотилишидан юзага келадиган фойда ёки зарарлар активнинг чиқиб кетиши ёки сотилишидан олинган соф тушум билан унинг соф баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Чиқиб кетиш ёки сотишдан олинмаган фойда ёки зарарлар актив ҳисобдан чиқарилган пайтда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилади.

95. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг чиқиб кетишида қўйидаги тарзда аниқланади:

а) эскириш суммасига:

Дебет 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли ҳисобварағи (контр-актив)

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

б) мазкур асосий воситалар объекти бўйича 30908-ҳисобварағида мавжуд бўлган қолдиқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

Ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилиши, текинга берилиши ёки тугатилиши мумкин.

96. Ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

а) агар тўлов харидор томонидан асосий воситалар олингандан сўнг амалга оширилган ҳолда:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Харидорлардан тўлов келиб тушганда:

активни сотиш суммасига:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»

агар сотиш нархи асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — *соф тушум суммасига*

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар» — *қолдиқ қийматга*

Кредит 45909 — «Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — *«соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ суммага;*

агар сотиш нархи асосий воситаларнинг баланс қийматидан паст бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — *жами тушум суммасига*

Дебет 55902 — «Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — *«соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ*

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар» — *қолдиқ қийматга;*

б) тўлов олдиндан амалга оширилган ҳолда:

активни сотиш суммасига:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»;

агар сотиш баҳоси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — *соф тушум суммасига*

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи — *қолдиқ қийматга*

Кредит 45909 — «Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — *«соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ суммага;*

агар сотиш нархи асосий воситаларнинг баланс қийматидан паст бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — жами тушум суммасига, ёки

Дебет 55902 — «Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — «соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи — қолдиқ қиймати.

97. Тўлиқ жисмонан ёки маънан эскирганлиги муносабати билан яроқсиз ҳолга келган, камомад ёки талафот аниқланганда (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), форс-мажор ҳолатларида, текинга берилганда асосий воситаларнинг қиймати белгиланган тартибда зарарга чиқарилади ва қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Дебет 55902 — «Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи — қолдиқ қиймат.

98. Агар асосий воситалар фойдаланишга яроқли бўлса, хизмат муддати тугаганлигига қарамай ломбард улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда асосий воситалар баланسدан ҳисобдан чиқарилмайди ва эскириш ҳисобланмайди.

99. Ломбарднинг асосий воситаларига эгалик ҳуқуқини беришни тасдиқловчи барча ҳужжатлар — уларнинг баҳоси, суғурта полиси ва бошқа ҳужжатлари алоҳида йўл билан жилдларда сақланиши лозим.

100. Ломбарднинг асосий воситалари билан боғлиқ операциялар ҳисоби мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа хусусий мулкларни ҳисобга олиш қайдномасида акс этирилади.

5-§. Номоддий активларнинг ҳисоби

101. Номоддий активлар — бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан микромолиялаш хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, гудвилл (goodwill), савдо маркалари, компьютер дастурий таъминотлари, лицензиялар ва шу кабилар тегишлидир.

Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлса, у моддий актив сифатида қаралади. Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлмаса, у номоддий актив ҳисобланади.

102. Сотиб олинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини аниқлаш мазкур Низомнинг 75-бандига мувофиқ аниқланади ва

унинг ўзгаришига номоддий активларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Номоддий активлар билан боғлиқ харажатлар, агар ушбу харажатлар келажакда шу активлар бўйича дастлабки ҳисобланган меъёрлардан юқори иқтисодий фойда олиб келиши мумкин бўлса, уларнинг бошланғич (ҳақиқий) қийматига қўшилиши мумкин. Барча бошқа харажатлар, улар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврнинг жорий харажатлари сифатида акс эттирилади.

103. Номоддий активлар қийматининг олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланган депозитлар».

Активлар келиб тушганда:

Дебет 16601 — «Номоддий активлар»

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар».

104. Номоддий актив балансида дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олингандан кейин, қайта баҳоланган санасида, агар унинг бозор баҳосини аниқлаш мумкин бўлса, номоддий актив қайта баҳоланади ва қайта баҳоланиш (тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

105. Қайта баҳолагандан сўнг номоддий активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириши билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

106. Агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳоланган қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дебет 16601 — «Номоддий активлар»

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳоланган қийматининг ошган суммаси»;

қайта баҳоланган бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳоланган қийматининг ошган суммаси»

Кредит 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)».

107. Қайта баҳоланган натижасида номоддий активлар қийматининг ўсган суммаси шу актив бўйича илгариги қайта баҳоланган харажат сифатида ҳисобга олинган ва қийматини камайтирган суммасини қоплайдиган қисмигина даромад сифатида тан олинади.

108. Агар активнинг қайта баҳолангандаги қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлса, унда активнинг суммаси камаяди ва бу камийиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

а) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив қийматининг камайиш суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» (илгариги ўсиш миқдори доирасида)

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

109. Агар 30908 ҳисобварақдаги кредит қолдиқ (номоддий активларнинг айнан шу тоифасига тааллуқли қисми) етарли бўлмаса, унда қайта баҳоланган активнинг қўшимча камайган қиймати қуйидагича ҳисобга олинади:

Дебет 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар»

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

110. Қайта баҳолашнинг 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварақига қўшилган ижобий натижа, ушбу Низомнинг 92-бандига мувофиқ, ҳар ойда 31203 — «Тақсимланмаган фойда» (актив-пассив) ҳисобварақига бевосита ўтказиб борилади.

111. Номоддий активларга эскириш, улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий активларнинг эскириш суммаси, уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда ломбард харажатларига ўтказиб борилади.

112. Номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати эскириш нормалари ёрдамида аниқланади. Эскириш нормалари ломбард томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва фойдали хизмат қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича эскириш нормалари беш йилга, лекин ломбарднинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

113. Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш ушбу Низомнинг 80-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади. Эскиришни ҳисоблашнинг танланган усули ломбарднинг ҳисоб юритиш сиёсатида аниқланиши ва йил давомида ўзгармаслиги керак.

114. Амортизация ажратмалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ломбард харажатларига ўтказиб борилади:

Дебет 56618 — «Номоддий активларнинг эскириш суммаси»

Кредит 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)».

115. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда қолдиқ қиймат қуйидагича аниқланади:

жамғарилган эскириш суммасига:

Дебет 16605 — «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»

Кредит 16601 — «Номоддий активлар»;

ушбу номоддий актив бўйича 30908 — ҳисобварақда қолган қолдиқ суммасига:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

116. Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активлар сотилаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) Номоддий активлар жўнатилгандан кейин харидор томонидан тўлов амалга оширилганда:

номоддий активлар жўнатилганда:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кредит 16601 — «Номоддий активлар»;

активни сотиш суммасига:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»;

агар сотиш баҳоси номоддий активларнинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — соф тушум суммасига

Кредит 16601 — «Номоддий активлар» — қолдиқ қиймати

Кредит 45913 — «Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — «соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ суммага;

агар сотиш нархи номоддий активларнинг баланс қийматидан паст бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — жами тушум суммасига

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — «соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ

Кредит 16601 — «Номоддий активлар» — қолдиқ қиймати

б) Харидор томонидан тўлов амалга оширилгандан сўнг номоддий активлар жўнатилганда:

активни сотиш суммасига:

Дебет 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

Кредит 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар»;

агар сотиш баҳоси номоддий активларнинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — *соф тушум суммасига*

Кредит 16601 — «Номоддий активлар» — *қолдиқ қиймати*

Кредит 45913 — «Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» — «соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ суммага;

агар сотиш нархи номоддий активларнинг баланс қийматидан паст бўлса:

Дебет 29802 — «Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар» — жами тушум суммасига

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» — «соф тушум» билан активнинг «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ

Кредит 16601 — «Номоддий активлар» — қолдиқ қиймати.

117. Номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскириш, форс-мажор ҳолатларда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарар сифатида қолдиқ қиймати суммасига ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 55906 — «Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»

Кредит 16601 — «Номоддий активлар».

118. Ломбардда номоддий активларнинг ҳаракати ва ҳисоби бўйича барча операциялар мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа хусусий мулкларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

6-§. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби

119. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (бундан буён матнда КТБ деб юритилади) — бу ломбард фаолиятида фойдаланиладиган ва қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган моддий активлардир:

хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

хизмат муддатидан қатъи назар, (сотиб олинган вақтга) бир комплект учун қиймати Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача белгиланган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилига КТБ таркибида ҳисобини юритиш учун буюмлар қийматининг энг кам миқдорини белгилаш ҳуқуқига эга.

КТБга девонхона ва идора буюмлари, почта ҳамда ҳужжат маркалари ва бошқалар кирди.

КТБ ҳисоби ҳақиқий сотиб олинган қиймати бўйича, божхона божлари ва йиғимлари, таъминловчи ва воситачи ташкилотларга тўланган воситачилик харажатлари, солиқлар (масалан, кўшилган қиймат солиғи) ва КТБни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда юритилади.

120. КТБ қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан амалга оширилади:

Дебет 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

КТБга кирим қилинганда:

Дебет 19921 — «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кредит 19909 — «Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар».

Омбордан КТБ фойдаланишга берилиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 56406 — «Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари»

Кредит 19921 — «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

121. КТБ ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликларни ҳисобга олиш қайдномасида акс эттирилади.

Фойдаланишда бўлган КТБ сақланишининг ҳисоби ва назорати тизимдан ташқари (журналларда) амалга оширилади.

7-§. Олиниши лозим бўлган ва олдиндан тўланган маблағлар ҳамда муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби

122. Ломбард ходимларидан ва бошқа дебиторлардан олиниши лозим бўлган турли хил активлар ҳисоби 19900 — «Бошқа активлар»нинг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

123. Олиниши лозим бўлган активларнинг баланс ҳисоботида ҳаққоний қийматда акс эттириш учун 19911 — «Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағидан фойдаланилади.

124. Ломбард ходимларидан олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

125. Олдиндан тўланган ва келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

126. Олдиндан тўланган ва келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар вақти-вақти билан инвентаризация қилиниши ва ҳисобот даври давомида амортизация қилиниши (харажатга ўтказилиши) лозим.

Активларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»га (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) асосан амалга оширилади.

8-§. Тўланиши лозим бўлган кредитлар ҳисоби

127. Ҳар бир олинган кредит алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Кредит шартномасига мувофиқ кредит олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дебет 1**** — Тегишли актив ҳисобварағи

Кредит 216** — Олинган кредитларнинг тегишли ҳисобварағи.

Тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет Тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 22410 — «Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

128. Ҳисобланган фоизлар ҳамда кредитларни сўндириш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 216** — Олинган кредитларнинг тегишли ҳисобварағи, ёки

Дебет 22410 — «Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

129. Ломбард томонидан олинган кредитлар ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

9-§. Лизинг операциялари ҳисоби

130. Лизинг, лизинг олувчи ломбарднинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив, ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи», лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 — «Лизинг бўйича мажбуриятлар»нинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

131. Лизингни дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи ломбард лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса ўша суммада акс эттиради.

132. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи»

Кредит 221** — Лизинг бўйича мажбуриятлар тегишли ҳисобварағи.

133. Лизинг олувчи ломбард томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

134. Лизинг объекти лизинг олувчи ломбард балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим.

135. Лизинг олувчи ломбард томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи ломбард томонидан лизинг объектини баҳолаб бориш, эскиришни ҳисоблаш ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

136. Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи ломбарднинг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

137. Лизинг олувчи ломбард томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳар куни ҳисобланади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет 54401 — «Лизинг бўйича фоизли харажатлар»

Кредит 22408 — «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар».

138. Лизинг олувчи ломбард томонидан лизинг тўловлари қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дебет 22408 — «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар»

Дебет 221** — Лизинг бўйича мажбуриятлар тегишли ҳисобварағи

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

139. Лизинг олувчи ломбард томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари ушбу Низомнинг 82-бандига мувофиқ аниқланади ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 56626 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси»

Кредит 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)».

Агар лизинг объектига эгалик ҳуқуқи ўтиши лизинг шартномасида белгиланмаган бўлса, лизинг объекти бўйича эскириш лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ёки активнинг фойдали хизмат қилиш муддатидан қайси бири кичик бўлса ўша муддатга ҳисобланади.

140. Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи ломбард томонидан мазкур Низомнинг 87-бандига мувофиқ амалга оширилади.

141. Лизинг олувчи ломбард томонидан охирги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг объектини лизинг олувчи ломбарднинг балансига кирим қилиш учун қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) Дебет 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»

Кредит 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хукуки»;

б) Дебет 165** — Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 165** — Асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси тегишли ҳисобварағи (контр-актив).

142. Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи ломбардга лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб олиш хукуки берилган бўлса, сотиб олиш куйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 221** — Лизинг бўйича мажбуриятлар тегишли ҳисобварағи

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

143. Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб лизинг берувчи томонидан лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хукуки бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)»

Кредит 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш хукуки».

144. Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланганида, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисобварақ бўйича захира капитали камайтиради.

145. Ломбард томонидан олинган лизинг ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

10-§. Товар моддий бойликлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳамда бошқа қарздорликлар ҳисоби

146. Олинган товар моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда ходимлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар, операцион ижара ҳамда бошқа кредиторлар олдидаги маж-

буриятлар ҳисоби 29800 — «Бошқа мажбуриятлар»нинг тегишли ҳисобварақларида олиб борилади.

147. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БХМС) «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»га (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) асосан амалга оширилади.

148. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

149. Бошқа кредиторлик қарздорликлар билан боғлиқ операциялар ҳисоби мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

11-§. Капитал ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби

150. Молиявий йилнинг якунида барча даромад ва харажатлар ҳисобварақлари қолдиқлари 31206 — «Соф фойда (зарар) ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ёпилиши лозим:

Даромад ҳисобварақларини ёпиш:

Дебет Даромад ҳисобварақлари (фойда ва зарарлар ҳисоботидан)

Кредит 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

Харажат ҳисобварағини ёпиш:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»

Кредит Барча харажат ҳисобварақлари (фойда ва зарарлар ҳисоботидан).

Сўнгра соф фойда (зарар) ҳисобварағидаги қолдиқ тақсимланмаган фойда ҳисобварағига ўтказилади:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

151. Тақсимланмаган фойда капиталнинг зарур ажратмалари ёки захиралар (фондлар) тузатишлари суммасига дебетланади (камаяди) ёки кредитланади (кўпаяди). Бошқа ҳолларда тақсимланмаган фойдага олдинги ҳисобот даврига тегишли бўлган фақат катта суммалар бўйича тузатишлар киритилган тақдирдагина ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

152. Молиявий ҳисоботларга муҳим тузатишлар киритиш арифметик хатоликлар, маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ёки янглишиш, бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва қоидаларини қўллашда хатоликлар оқибатида юзага келиши мумкин.

153. Ломбард фойдасини таъсисчилар ўртасида тақсимлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» (йиллик дивидендларни ҳисоблашда), ёки

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда)

Кредит 29807 — «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

154. Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда ус-

тав фондини оширишга йўналтирилганда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29807 — «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»

Кредит 30301 — «Устав фонди».

155. Ломбарднинг устав фондини тақсимланмаган фойда ҳисобидан ошириш куйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»

Кредит 30301 — «Устав фонди».

156. Ломбард ўзининг уставида назарда тутилган, захира фондини вужудга келтириши мумкин. Ломбарднинг захира фондига ажратмалар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Захира фондига ажратмалар қилишда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»

Кредит 30903 — «Умумий захира фонди».

157. Ломбард капитали ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 19-иловасига мувофиқ шаклдаги Капитални ҳисобга олиш қайдномасида акс этирилади.

12-§. Ломбардларда даромадлар ва харажатлар ҳисоби

158. Ломбарднинг даромадлар ва харажатлари ҳисоби ломбард томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган Ҳисобварақлар режасининг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

159. Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида ҳисоблаб ёзиш тамойилига мувофиқ акс этирилади.

160. Ломбард томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган ва бошқа олинган даромадлар мазкур Низомнинг 20-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш қайдномасида қайд этилади.

161. Ломбард ҳисобот даври харажатлар мазкур Низомнинг 21-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномасида қайд этилади.

5-боб. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш

162. Ломбардлар бухгалтерия ҳужжатларининг қатъий сақланишини таъминлаши шарт. Ҳужжатларини сақлаш юзасидан мазкур ҳужжатда белгиланган тартибга риоя этилиши бўйича жавобгарлик ломбард раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Ломбард раҳбари ҳужжатларни сақлаш учун маълум жой ажратиб бериши лозим. Ҳужжатларни йиғиб, алоҳида йиғмажилдларга тикишни ломбард раҳбари томонидан тайинланган ходим (масъул ходим) амалга оширади.

163. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар иш куни бўйича хронологик тартибда шакллантирилиб, бир ойлик ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдга тикилган ҳолда сақланади.

Кунлик кирим ва чиқим касса ордерлари касса дафтаригадаги бир кунлик ёзувлар нусхаси билан бирга ҳар иш куни бўйича хронологик тартибда шакллантирилади ва ип ўтказилиб тикилган ҳолда сақланади.

164. Ойлик йиғмажилдларга қўйидаги ҳужжатлар тикилади:

ломбарднинг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи кўчир-маси;

ломбард томонидан пул ўтказиш бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари);

кирим терминал ордерлари;

мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ шаклдаги ломбарднинг миждоз ва хўжалик операциялари ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати;

кирим ва чиқим касса журналлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда тикилади;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ойлик бош китоб.

165. Масъул ходим ҳар бир иш куни бўйича йиғмажилдларда амалга оширилган бухгалтерия операцияларига тегишли барча ҳужжатлар мавжудлигини синчиклаб текшириши лозим.

Яқунланган кун учун ҳужжатлар эртанги кундан кечиктирилмай шакллантирилиши зарур. Кейинги кун бошлангунга қадар ҳужжатлар темир жавонда сақланиши лозим.

166. Ломбард миждозлар билан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ахборотни, миждозлар билан ёзишмаларни, шунингдек миждозларни идентификациялаш маълумотларини ва миждозларни лозим даражада текширишга доир материалларни миждозлар билан амалий иш муносабатлари тўхта-тилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

167. Қўйидаги ҳужжатлар кассада, омборда ёки темир шкафларда сақланиши шарт:

тугаган йил учун йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда сўнгги тугаган ҳисобот даври учун баланс ва унинг барча иловалари;

охирги 12 ой учун касса ҳужжатлари;

бухгалтерия ҳисоби қайдномалари.

168. Бухгалтерия ҳисобига тегишли ҳужжатлар архивга топширилгунига қадар, бухгалтериянинг стеллажлар ва темир жовонлар билан жиҳозланган ҳужжатларни сақлаш учун ажратилган жойда (жорий архивда) сақланиши керак. Масъул ходим жорий архивда ҳужжатлар бут сақланиши ва дахлсизлиги учун жавоб беради.

169. Жорий архивда сақланаётган ҳужжатларга доир маълумотлар касса ҳужжатлари бўйича жавобгар ходим ҳузурида, бош бухгалтер имзолаган талабномалар асосида, жорий архив учун масъул ходим қатнашувида олинади. Маълумот олиш учун рухсат берилган ломбард ходими кассир ёки жорий архив учун масъул ходими кузатувида ишлаши лозим. Жорий архив учун жавобгар ходим маълумот олишга рухсат берилган ходимлар то-

монидан ҳужжатларга бирор-бир тузатув ёзувларини киритмаслигини кузатиб туришлари шарт.

170. Мижозларга тегишли ва бошқа пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари суд ва тергов органларининг ёзма талаби асосида фақат ломбард раҳбарининг рухсати билан олиниши мумкин.

171. Ҳужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб, унга ломбард раҳбари, бош бухгалтер ва ҳужжатни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатнома ёки баённомада айна қандай ҳужжат олинаётгани, уни кимнинг талабига ва рухсатига кўра олинаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Далолатнома ёки баённоманинг иккинчи нусхаси юқорида айтилган вакилга топширилади.

172. Олинган тўлов ҳужжатининг асл нусхаси ўрнига бош бухгалтер томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек ҳужжатнинг асл нусхасини олаётган шахс томонидан имзоланган баённоманинг биринчи нусхаси ва ҳужжатни олиш хусусидаги талабнома қўйилади. Ҳужжат олинганлиги тўғрисида бош бухгалтер шу ҳужжат турган йиғмажилднинг муқовасига ёзиб, имзо чекади.

173. Турли саналарга тегишли тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида олинган ҳолларда, бу ҳужжатларнинг барчаси учун битта далолатнома ёки баённома тузилиб, унга шу ҳужжатлар рўйхати киритилади. Ушбу ҳужжатларнинг бири ўрнига унинг нусхаси, ҳужжатни олиш тўғрисидаги талабнома, далолатнома ёки баённоманинг биринчи нусхаси қўйилади, бошқаларининг ўрнига эса, шу ҳужжатлар нусхалари қўйилиб, уларда ҳужжатни олиш тўғрисидаги талабнома қаерда сақланаётганлиги ёзилади.

174. Электрон база маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва тўғри архивланиши учун ломбард раҳбари, бош бухгалтери ва архивлашни амалга оширадиган масъул ходим шахсан жавобгар ҳисобланади.

175. Ломбардда бухгалтерия ҳисоби электрон база маълумотлари ҳар куни архивланиб, ташқи сақловчи қурилмага ёзиб борилади ҳамда масъул шахс жавобгарлиги остида сейфда сақланади.

176. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотлар ва электрон база маълумотлари ўзаро мос бўлиши керак.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш қоидалари

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ломбардларда бухгалтерия ҳисоби операцияларини ҳисобварақларда акс эттириш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси (бундан буён матнда Ҳисобварақлар режаси деб юритилади) — ломбардлар томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида берилган ҳисобварақлар рўйхати;

бош китоб — иккиёқлама ёзув усулига мувофиқ юритиладиган Ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлар рўйхати;

ёрдамчи китоб — бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган журналлар, қайдномалар, китоблар ва тасдиқланган бланкалар;

мижоз ҳисобварақлари — ломбард томонидан мижозларга ажратилган кредитлар, улар бўйича ҳисобланган фоизлар ва неустойка ҳисобини юритиш учун очиладиган ҳисобварақлар;

хўжалик операциялари ҳисобварақлари — ломбардларнинг хўжалик фаолияти бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун очиладиган ҳисобварақлар. Банклардаги депозит, касса, асосий воситалар, даромад ва харажатлар ва бошқа хўжалик фаолияти билан боғлиқ операциялар ҳисобини юритиш учун очилган ҳисобварақлар хўжалик операциялари ҳисобварақлари ҳисобланади.

2. Ломбардларнинг бухгалтерия ҳисобида синтетик ҳисобни юритиш учун алоҳида бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса ёрдамчи китоблар очилади. Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак.

3. Ломбардлар томонидан Ҳисобварақлар режаси юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилгунга ёки тугатилгунга қадар узлуксиз равишда юритилади.

2-боб. Ҳисобварақларни кодлаштириш

4. Ҳисобварақлар қуйидаги мақсадлар учун кодлаштирилади:

ҳисобварақларнинг бош ва ёрдамчи китобларда жойлашишини энгиллаштириш;

ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;
ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни энгиллаштириш;
операцияларни қайд этишни тезлаштириш.

5. Ҳисобварақларнинг бош китобда кодлаштириш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборат:

C	MM	SS
---	----	----

C	Ҳисобварақ туркуми (категорияси):
1.	Актив
2.	Мажбуриятлар
3.	Капитал
4.	Даромадлар
5.	Харажатлар
9.	Кўзда тутилмаган ҳолатлар

MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
----	--

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
----	--

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган: жамланма ҳисобварақлар учун MM ва/ёки SS ноль рақамларига эга (масалан, 10000 — «Активлар», 10100 — «Кассадаги нақд пул» ва бошқалар);

«Активлар» бўлимидаги «... зарарларни қоплаш захираси» сарлавҳали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақами қабул қилинган.

6. Амалга ошириладиган бирламчи операцияларнинг ҳисоби дастлаб шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) акс эттирилади.

7. Шахсий ҳисобварақлар 20 та рақамдан иборат бўлиб, ёрдамчи китобда қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:

CCCCC	VVV	K	SSSSSSSS	NNN
-------	-----	---	----------	-----

Бунда:

CCCCC — бош китобнинг баланс ҳисобварағи;

VVV — Валюта коди;

K — назорат калити;

SSSSSSSS — ломбарднинг ёки миждознинг хос рақами;

NNN — ҳисобварақнинг тартиб рақами.

8. Бош китобнинг баланс ҳисобварағи рақами Ҳисобварақлар режасига мувофиқ аниқланади, валюта коди «Жаҳон мамлакатлари ва валюталар тас-

нифлагичи»га асосан белгиланади, назорат калити ломбард ташкилотлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

9. Шахсий ҳисобварақлар тартиб рақами «001» дан «999» гача бўлган тартиб рақамлардан иборат.

10. Ҳар бир мижозга алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларга битта шахсий ҳисобварақ очилишига йўл қўйилмайди. Мижоз ҳисобварақлари «99XXXXXX» тартибида ҳар бир мижоз учун алоҳида ихтиёрий шакллантирилган хос рақам билан очилади.

11. Мижоз ҳисобварақлари кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ сўндирилгандан кейин ёпилади. Ёпилган шахсий ҳисобварақлар рақамлари қайта тикланмайди ва бошқа шахсий ҳисобварақларни рақамлашда фойдаланилмайди.

12. Хўжалик операциялари ҳисобварақлари ломбардларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида берилган хос рақами билан очилади.

13. Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пасив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пасив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга «Активлар», «Харажатлар» ва «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимларидаги ҳисобварақлар, пасив ҳисобварақларга «Мажбуриятлар», «Капитал» ва «Даромадлар» бўлимларидаги ҳисобварақлар тааллуқлидир.

14. Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида «Активлар» бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса «Мажбуриятлар» бўлимига контр-пасив ҳисобварақлар киритилган.

«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

15. «Активлар» бўлими ликвидлилик, «Мажбуриятлар» бўлими эса муддатлилик тамойилларига асосан таснифланган.

16. Мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида Ҳисобварақлар режасининг ҳар бир ҳисобварағи таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операциялар акс эттирилиши ҳамда таҳлилий ҳисобининг юритилиш тартиби баён этилган. Батафсил таҳлилий ҳисоб юритиш учун ломбардларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча бухгалтерия ҳисоби регистрлари юритилиши мумкин.

17. Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартиришлар асосида тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари амалга оширилиши мумкин.

18. «Даромадлар» ва «Харажатлар» бўлими учун таҳлилий ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар ломбарднинг ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Ломбардлар ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан

ҳолда мазкур ҳисобварақлар бўйича таҳлилий ҳисоб юритишни мустақил белгилайдилар.

Ломбардларда бухгалтерия
ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва
уни қўллаш қоидаларига
1-ИЛОВА

Ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари РЕЖАСИ

Код	Номи
10000	Активлар
10100	КАССАДАГИ НАҚД ПУЛЛАР
10101	Кассадаги пул маблағлари
10109	Йўлдаги нақд пуллар
10500	БАНКЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ДЕПОЗИТЛАР ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАР
10503	Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар
10505	Банкларга қўйилган жамғарма депозитлар
10507	Банкларга қўйилган муддатли депозитлар
10509	Йўлдаги нақдсиз маблағлар
10513	Банкларга қўйилган бошқа маблағлар
10515	Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар
10597	Банклардаги маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
12400	БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР
12401	Мижозларга берилган кредитлар
12405	Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар
12409	Мижозларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар
12499	Мижозларга берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
15700	СУД ЖАРАЁНИДАГИ ВА НОТАРИУСНИНГ ИЖРО ХАТИ ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР
15701	Мижозларга берилган суд жараёнидаги кредитлар
15705	Нотариуснинг ижро хати олинган муддати ўтган кредитлар
15799	Суд жараёнидаги ҳамда нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
16300	ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР
16301	Банклардаги депозитлар бўйича олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар

Код	Номи
16307	Кредитлар бўйича олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16377	Муддати ўтган ҳисобланган фоизлар
16397	Бошқа олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16400	ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР
16401	Кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган тўловлар
16405	Ҳисобланган жарима ва пенялар
16409	Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад
16413	Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар
16499	Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
16500	АСОСИЙ ВОСИТАЛАР
16501	Ер
16505	Тугалланмаган қурилишлар
16509	Ломбарднинг бинolari ва бошқа иморатлари
16511	Ломбардларнинг бинolari ва бошқа иморатларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16515	Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи
16519	Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16529	Транспорт воситалари
16531	Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар
16539	Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16549	Операцион ижарага берилган асосий воситалар
16551	Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16561	Омбордаги асосий воситалар
16563	Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16575	Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситалар
16579	Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16600	НОМОДДИЙ АКТИВЛАР
16601	Номоддий активлар
16605	Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16609	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16699	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
16700	БОШҚА ХУСУСИЙ МУЛКЛАР
16701	Бошқа хусусий мулклар
16799	Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Код	Номи
19900	БОШҚА АКТИВЛАР
19907	Хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар
19908	Ломбард ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар
19909	Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар
19911	Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
19921	Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар
19931	Муддати кечиктирилган солиқлар
19995	Суд жараёнидаги бошқа активлар
19997	Бошқа активлар
19999	Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
20000	МАЖБУРИЯТЛАР
21400	ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ҚАРЗ МАБЛАҒЛАР
21402	Таъсисчиларнинг қарз маблағлари
21404	Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар
21600	ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР
21602	Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21609	Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар
21692	Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21696	Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22100	ЛИЗИНГ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР
22102	Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
22104	Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
22400	ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР
19995	<p>Суд жараёнидаги бошқа активлар Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг суд жараёнидаги активлари ҳисоби олиб борилади (ломбарднинг моддий жавобгар шахс ходими томонидан етказилган зарарлар, ноқонуний берилган пул маблағлари ва бошқалар). Ҳисобварақнинг дебитида суд жараёни сабабли қайта таснифланган ва тегишли ҳисобварақлардан ушбу ҳисобвараққа ўтказилган активларнинг суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида ундирилган ва/ёки зарарларни қоплаш захираси ҳисобига 19999 — «Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган активларнинг суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
19997	<p>Бошқа активлар Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг юқорида таърифланган активларга мос тушмайдиган бошқа активлари ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебитида бошқа активлар қиймати акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида қопланган, сотилган ёки диспозиция қилинган активларнинг суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб активлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>

Код	Номи
19999	<p>Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: алоҳида «Зарарларни қоплаш захираси» ҳисобварақлари кўзда тутилмаган активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисобга олинади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида захиранинг бекор қилинган ва/ёки камайиш суммаси акс эттирилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир актив тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
20000	МАЖБУРИЯТЛАР
21400	ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ҚАРЗ МАБЛАҒЛАР
21402	<p>Таъсисчиларнинг қарз маблағлари</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард таъсисчиларидан олинган қарз маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида ломбард таъсисчиларидан олинган қарзлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида тўланган/ҳисобдан чиқарилган қарзлар суммаси ҳисоби юритилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
21404	<p>Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа шахслардан жалб қилинган қарзларнинг ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида бошқа шахслардан жалб қилинган қарзлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида тўланган/ҳисобдан чиқарилган қарзлар суммаси ҳисоби юритилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
21600	ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР
21602	Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21609	Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар
21692	Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21696	<p>Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар</p> <p>Юқоридаги ҳисобварақлар ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлгани учун уларнинг таърифи умумлаштирилган ҳолда берилмоқда.</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: банклардан ва бошқа кредиторлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.</p>

Код	Номи
	<p>Ҳисобварақнинг кредитида олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22100	ЛИЗИНГ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР
22102	Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
22104	Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
	<p>Юқоридаги ҳисобварақлар ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлгани учун уларнинг таърифи умумлаштирилган ҳолда берилмоқда.</p> <p>Ҳисобварақларнинг таърифи: лизинг бўйича мажбуриятлар ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақларнинг кредитида лизингга олинган мулкнинг ҳақиқий қиймати билан минимал лизинг тўловларининг қайси бирининг қиймати кичик бўлса, ўша сумма акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақларнинг дебитида лизинг тўловлари суммаси акс эттирилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир лизинг берувчи бўйича лизинг шартномалари қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22400	ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР
22402	Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар
22404	Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар
	<p>Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг таъсисчиларидан ҳамда бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича қарз шартномалари қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22408	<p>Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: лизинг бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисоби олиб борилади.</p>

Код

Номи

Ҳисобварақнинг кредитида лизинг тўловлари жадвали бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.
Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича шартномалар қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22410 Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг кредит мажбуриятлари (моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар) бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.
Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномалари қирқимида алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22496 Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар
Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси ҳисобдан чиқарилади.
Таҳлилий ҳисоб мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22500 ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚЛАР

22502 Ҳисобланган фойда солиқлари
Ҳисобварақнинг таърифи: жорий даврда ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фойда солиқлари (фойда, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа шу каби солиқлар) ёки ягона солиқ тўлови (ягона солиқ тўловчилари учун)нинг ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган жорий фойда солиқлари, ягона солиқ тўлови (ягона солиқ тўловчилари учун) суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебетида тўланган фойда солиқлари, ягона солиқ тўлови (ягона солиқ тўловчилари учун) суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фойда солиқлари, ягона солиқ тўлови (ягона солиқ тўловчилари учун) суммаси ҳисобдан чиқарилади.
Таҳлилий ҳисоб солиқлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади

Код	Номи
22504	<p>Ҳисобланган бошқа солиқлар Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган солиқлар (фойда солиқларидан ташқари) ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган солиқлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида тўланган солиқларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган солиқларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади. Таҳлилий ҳисоб солиқлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22506	<p>Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ ломбард ходимларидан ушлаб қолинган ва бюджет даромадига ўтказиладиган солиқлар ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида ушлаб қолинадиган солиқлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида бюджетга ўтказилган солиқлар суммаси ҳисобдан чиқарилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22508	<p>Муддати кечиктирилган солиқлар Ҳисобварақнинг таърифи: муддати кечиктирилган фойда солиқлари ҳисобга олинади. Муддати кечиктирилган фойда солиғи — бу жорий даврда солиққа тортиладиган фойдадан чегириб ташланадиган, лекин келгуси даврнинг солиққа тортиладиган фойдага киритиладиган вақтинчалик фарқларни қўшган ҳолда келгуси даврда тўланадиган фойда солигидир. Бу бухгалтерия фойдаси билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги фарқдир. Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобланган муддати кечиктирилган фойда солиқлари суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида муддати кечиктирилган фойда солиқларининг камайган суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда олиб борилади</p>
22510	<p>Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан бўладиган ҳисобкитоблар Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ ломбард томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган тегишли ижтимоий тўловлар ҳисоби юритилади. Ҳисобварақнинг кредитида ломбард томонидан ижтимоий тўловга ўтказиладиган тегишли маблағлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида ижтимоий тўловга ўтказилган тегишли маблағлар суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>

Код	Номи
22512	<p>Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: томонидан қонунчиликка мувофиқ Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа жамғармаларга ўтказиладиган тегишли тўловлар ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ўтказиладиган тегишли тўловлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармаларга ўтказилган тегишли тўловлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб ҳар бир жамғарма ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22800	МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР
22812	<p>Келгуси давр фоизли даромадлари</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: олдиндан олинган ва уларнинг амалда ишлаб топилганлигига қараб даврий равишда ломбард даромадига ўтказиладиган фоизлар ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида олдиндан олинган фоизлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида ломбард даромадига ўтказиладиган ишлаб топилган фоизлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.</p>
22814	<p>Грант маблағлари</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан олинган грантлар ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида олинган грантлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебитида грантлар билан боғлиқ шартлар бажарилишига кўра ломбард даромадига ўтказиладиган ёки грант шартлари бажарилмаган тақдирда қайтариладиган суммалар акс эттирилади.</p> <p>Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади</p>
22896	<p>Бошқа муддати узайтирилган даромадлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: олдиндан олинган ва уларнинг амалда ишлаб топилганлигига қараб даврий равишда даромадга ўтказиладиган, хизматлар кўрсатилмагунига қадар ломбард даромади сифатида акс эттириш мумкин бўлмаган, мажбурият сифатида акс эттириб туриладиган бошқа муддати узайтирилган даромадлар (ижара бўйича олинган бўнак ва бошқа фоизсиз операциялар пул маблағлари) ҳисоби олиб борилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида олинган бўнак суммалари акс эттирилади.</p>

Код

Номи

Ҳисобварақнинг дебетида ломбард даромадига ўтказилган ишлаб топилган даромадлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29800 БОШҚА МАЖБУРИЯТЛАР

29801 Мижозлар билан ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг мақсади: мижозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича турли тўловлар (гаровга олинган мол-мулкни сотишдан келиб тушган маблағлар, мижозлардан ортиқча келиб тушган пул маблағлари ва ҳоказо) ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида белгиланган мақсади бўйича маблағларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29802 Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар (электр, сув, газ ва бошқалар) учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредитор ва/ёки тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29803 Ломбард ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: иш ҳақи, пенсия, алимент, болалар ёрдам пули, моддий ёрдам, депонентланган иш ҳақи, бошқа мукофотлар ёки етказилган зарарлар учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир тўлов тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29805 Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: операцион ижара бўйича ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби олиб борилади.

Код

Номи

- Ҳисобварақнинг кредитида** операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган (харажат) сумма акс эттирилади.
- Ҳисобварақнинг дебитида** операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган сумманинг тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган суммалари акс эттирилади.
- Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ижара берувчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
- 29807 Тўланиши лозим бўлган дивидендлар
Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан эълон қилинган, лекин ҳали тўланмаган дивидендларнинг ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган дивидендларнинг суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебитида тўланган дивидендларнинг суммаси акс эттирилади.
Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади
- 29830 Таъсисчилар томонидан устав фондини ошириш мақсадида қўйилган маблағлар
Ҳисобварақнинг таърифи: таъсисчиларнинг устав фондини ошириш мақсадида киритган маблағлари ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида устав фондини ошириш мақсадида киритилган маблағлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебитида устав фондини оширишга йўналтирилган маблағлар суммаси акс эттирилади.
Таҳлилий ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
- 29896 Бошқа мажбуриятлар
Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг кредитида маблағлар келиб тушиши акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебитида маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.
Таҳлилий ҳисоб операциялар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
- 30000 КАПИТАЛ**
- 30300 ЛОМБАРДНИНГ УСТАВ ФОНДИ**
- 30301 Устав фонди
Ҳисобварақнинг таърифи: устав фондидаги таъсис ҳужжатларида белгиланган умумий улушларнинг (пул ифодасида) йиғиндиси ҳисобга олинади.
Ҳисобварақнинг кредитида таъсисчилардан олинган улушлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг дебитида ломбарддан чиқиб кетаётган таъсисчиларга қайтарилган улушлар суммаси акс эттирилади.

Код	Номи
	Таҳлилий ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
30900	ЗАХИРА КАПИТАЛИ
30903	Умумий захира фонди Ҳисобварақнинг таърифи: ўрнатилган тартибга мувофиқ, умумий мақсадлар учун ломбарднинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида йил охирида фойдадан умумий захира фондига ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида умумий захира фондидан маълум мақсадлар учун ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мақсад бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.
30905	Текинга олинган мулклар Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард таъсисчиларидан текинга олинган мулклар қиймати ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида таъсисчилардан текинга олинган мулклар қиймати акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида ўрнатилган тартибга мувофиқ тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.
30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг асосий воситалари ва номоддий активлари бозор қийматининг ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида ломбарднинг асосий воситалари ва номоддий активлари қийматининг баланс қийматига нисбатан ошган миқдори акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида баҳоланаётган асосий восита ва номоддий актив сотилганда ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда, улар қийматининг ошган миқдори, шунингдек ломбарднинг асосий воситаси ва номоддий активи қийматининг баланс қийматига нисбатан пасайиб кетиши ва ўрнатилган тартибга мувофиқ, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар ҳисобдан чиқарилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир баҳоланган асосий восита ва номоддий актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.
31200	ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА
31203	Тақсимланмаган фойда (актив-пассив) Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг ўтган молиявий фаолияти давомида олган тақсимланмаган фойдаси (зарари)нинг ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида ломбарднинг 31206-ҳисобварақдан ўтказилган соф фойдаси ҳамда захира капиталидан тақсимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади.

Код

Номи

Ҳисобварақнинг дебетида тақсимланмаган фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар учун ажратмалар, 31206-ҳисобварақдан ўтказилган зарарлар суммаси, шунингдек таъсисчилар қарори билан ломбарднинг устав фондига қилинган қайта инвестиция (реинвестиция)лаш суммалари акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

31206 Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Ҳисобварақнинг таърифи: ҳисобот йилида ломбард молиявий фаолиятининг натижаларида олинган соф фойда (зарар) ҳамда ушбу давр давомида эълон қилинган дивидендлар суммаси ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида ломбард томонидан олинган фойда, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси ҳамда нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобот йилида ломбард томонидан кўрилган зарарлар, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган фойдалар суммаси, эълон қилинган дивидендлар, шунингдек захира капитали ҳисобварағига ўтказилган сумма акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб соф фойда ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

40000 ДАРОМАДЛАР

40400 БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР

40401 Банклардаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли даромадлар

40403 Банклардаги жамғарма депозитлар бўйича фоизли даромадлар

40405 Банклардаги муддатли депозитлар бўйича фоизли даромадлар

40407 Банклардаги бошқа маблағлар бўйича фоизли даромадлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг банклардаги депозитлари ва бошқа маблағлари бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида ломбарднинг банклардаги депозитлари ва бошқа маблағлари бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси ҳамда молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Код	Номи
42000	МИЖОЗЛАРГА БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР
42001	Мижозларга берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42005	Мижозларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар
42009	Мижозларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: мижозларга берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида кредитлар бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг дебитида нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

44700	СУД ЖАРАЁНИДАГИ ВА НОТАРИУСНИНГ ИЖРО ХАТИ ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР
44701	Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар
44705	Нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: суд жараёнидаги ҳамда нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредитлар бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

44900	БОШҚА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР
44901	Бошқа фоизли даромадлар
	Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган ломбардларнинг ҳисобланган фоизли даромадлари ҳисоби юритилади.
	Ҳисобварақнинг кредитида мижозларнинг бошқа мажбуриятлари

Код	Номи
	<p>бўйича ишлаб топилган бошқа фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри ҳисобланган ёки олинган даромадларнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p>
45200	ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР
45201	<p>Кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан кўрсатилган хизматлар, кредитларни расмийлаштириш ҳамда бошқа хизматларни тақдим қилишдан олинган даромадлар ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида кўрсатилган хизматлар учун ишлаб топилган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p>
45900	БОШҚА ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР
45901	<p>Асосий воситаларнинг ижараси бўйича олинган даромадлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан асосий воситалар объектини ва бошқа хусусий мулкларини ижарага беришдан олинган даромадлар ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида асосий воситалар объектини ва бошқа хусусий мулкларини ижарага беришдан олинган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган ёки ҳисобланган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.</p>
45909	Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда
45913	Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда
	<p>Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.</p> <p>Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулклар/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақларнинг кредитида асосий воситаларини ва бошқа хусу-</p>

Код	Номи
	<p>сий мулклар/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақларнинг дебетида нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.</p>
45917	<p>Грант маблағларидан олинган даромад</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: олинган грантлар бўйича ломбард томонидан грантлар билан боғлиқ шартлар бажарилишига кўра ўзлаштирилган грантлар ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида олинган грантлар билан боғлиқ шартлар бажарилган грантлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри ўтказилган грантларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.</p>
45921	<p>Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: ломбардларнинг илгари ҳисобдан чиқарилган активларининг ва ташкил этилган захираларининг қайтарилиш суммасини ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида илгари ҳисобдан чиқарилган активлар бўйича келиб тушган даромадлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.</p>
45994	<p>Бошқа фоизсиз даромадлар</p> <p>Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларига мос тушмайдиган ломбардларнинг фоизсиз даромадлари (жарима, пеня ва бошқалар) ҳисоби юритилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг кредитида юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган, келиб тушган фоизсиз даромадлар суммаси акс эттирилади.</p> <p>Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.</p>

Код	Номи
50000	ХАРАЖАТЛАР
50600	ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
50601	Таъсисчиларнинг қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар
50603	Бошқа шахслардан жалб қилинган қарз маблағлар бўйича фоизли харажатлар

Юқориди кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ломбарднинг фоизли харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебитида қарз маблағлари бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

53100	КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
53101	Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
53105	Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
53195	Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
53196	Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар

Юқориди кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: банклардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан ва бошқа кредиторлардан олинган кредитлар (моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар) бўйича ломбарднинг фоизли харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

Код	Номи
54400	ЛИЗИНГ БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
54401	Лизинг бўйича фоизли харажатлар Ҳисобварақнинг таърифи: лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебитида лизинг жадвали бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.
54900	БОШҚА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
54902	Бошқа фоизли харажатлар Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебитида тўланган фоизлар суммаси, шунингдек бошқа мажбуриятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.
55100	ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР
55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари Ҳисобварақнинг таърифи: ломбардларга кўрсатилган хизматлар учун қилинган харажатлар ва воситачилик харажатлари ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебитида сарф қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.
55900	БОШҚА ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР
55902	Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар
55906	Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда. Ҳисобварақларнинг таърифи: мазкур ҳисобварақларда асосий восита-

Код

Номи

ларни ва бошқа хусусий мулкларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида асосий воситаларни ва бошқа хусусий мулкларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри кўрилган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

- 55995 Бошқа фоизсиз харажатлар
Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизсиз харажатлар ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг дебетида юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган амалга оширилган фоизсиз харажатлар ҳисоби акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.
- 56100 **ЛОМБАРД ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА УЛАР УЧУН ҚИЛИНГАН БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**
- 56102 Иш ҳақи
Ҳисобварақнинг таърифи: хизматчиларнинг меҳнат иш ҳақи (меҳнат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича бажарилган), иш вақтидан ташқари қилинадиган ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар, мукофот тўловлари (ойлик иш, бажарилган махсус ишлар учун натижалар бўйича ва бошқалар учун), кўп йиллик иш стажи ва ломбард низоми ва қонунчиликка мувофиқ ломбарднинг бошқа тўловлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.
Ҳисобварақнинг дебетида иш ҳақиға қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.
- 56106 Ломбард ходимлари учун имтиёзлар
Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг ходимлари учун берилган имтиёзларга қилган харажатлари, яъни мукофот тўловлари (йил якуни бўйича мукофотлар, кўп йиллик хизмати учун, иш стажи учун қўшимча ҳақ, байрам ва юбилей саналарига бериладиган мукофотлар ва бошқалар), ломбард ходимларининг ўқишлари учун тўловлар, шунингдек уларнинг стипендиялари, ходимларга бериладиган қимматли совғалар

Код

Номи

қиймати, ҳамда ломбард низоми ва қонунчиликка мувофиқ равишда жисмоний шахслардан ундириб олинган тўлов ҳисобига ломбард томонидан тўланадиган суммалар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ходимларга имтиёзлари учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56110 Тиббий, стоматологик хизматлар ва шифохонада даволаниш учун харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард ходимларига амбулатория ёки стационар медицина ва стоматология хизмати кўрсатиш учун қилган харажатлари ҳамда улар ва уларнинг болалари учун соғломлаштириш лагерларига, санитар-курорт муассасаларига ва бошқаларга ўрнатилган тартибда тўлиқ ёки қисман тўланадиган йўланмалар қийматининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида медицина, стоматологик хизматлари кўрсатиш ва шифохонада даволаш харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56114 Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаларига тўланадиган ихтиёрий бадаллари, ломбарднинг иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалари, ягона ижтимоий тўловлар учун ломбард харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижтимоий суғурта учун ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ёки ортикча тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56118 Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда меҳнат шартномасини муддатидан олдин тугатиш вақтида бериладиган ишдан бўшатиш нафақа тўловлари ва компенсация тўловлар, шунингдек қонунчиликка ва ломбард уставига мувофиқ равишдаги нафақа (болаларга қонунчиликда ўрнатилган балоғат ёшига етгунича

Код

Номи

бериладиган ва бошқа) тўловлари, моддий ёрдам пуллари ва бошқа тўловлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ижтимоий ҳимоя учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56122 Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа жамғармалар учун бадаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига, Касаба уюшмаси Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа жамғармаларга ажратмалар, шунингдек қонунчиликка мувофиқ равишда ломбард ходимларининг соғлиқларини мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ва бошқа бадалларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига ва бошқа жамғармалар учун амалга оширилган ажратмалар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56195 Ломбард ходимлари учун қилинган бошқа харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқоридаги таърифланган ҳисобварақларга мос тушмайдиган, хизматчиларга тўланадиган (тўгараклардаги, клублардаги машғулотларга, газета ва журналларга обуна бўлишга, қонунчиликда ўрнатилган меъёрдан ортиқча тўланган сафар ва вакиллик харажатлар суммаси ва бошқалар) тўловлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган, амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56200 ИЖАРА ВА САҚЛАШ (ТАЪМИНОТ) ХАРАЖАТЛАРИ

56202 Ижара тўлови

56206 Сув тўлови

56210 Электр энергияси ва иситиш тармоқлари харажатлари

56214 Таъмирлаш ва таъминот харажатлари

56218 Қўриқлаш хизмати харажатлари

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир

Код

Номи

хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг ижарага олинган объектларга, шартнома асосида ишлайдиган ломбард ходимлари ҳисобланмайдиган ходимлардан ташкил топган қўриқчиларга, шунингдек қўриқлаш сигнализациясига, ремонтга ва ломбард биносини, мебелларни, транспорт ва бошқа жиҳозларни сақлашга, ломбарднинг сув, электр, иситиш тармоғи ва бошқа коммунал хизматлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида ҳисобланган ижара ва таъминот харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56300 ХИЗМАТ САФАРИ ВА ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ

56302 Хизмат сафари харажатлари

56306 Хизмат сафари вақтидаги кунлик харажатлар

56310 Ломбард мулкани кўчириш билан боғлиқ бўлган (фрахт) харажатлар

56314 Ёқилғи харажатлари

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбард ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ (транспорт (хизмат сафари харажатлари), меҳмонхона хизмати (яшаш учун бошқа хизматлар) қиймати ва лимит доирасидаги кунлик харажатлар; фрахт (ломбард офислари ўртасида жиҳозлар ва бошқа мулкларни кўчириш харажатлари, хусусий ва ижарага олинган ҳаракат воситалари учун фойдаланиладиган ёқилғи харажатлари, шунингдек ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда хизмат сафари учун фойдаланиладиган ломбард ходимларининг шахсий автомобиллари учун харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида хизмат сафари ва транспорт учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56400 МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР

56402 Реклама ва эълон харажатлари

Код	Номи
56406	Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари
56410	Почта, телефон, факс бўйича харажатлар
56414	Хужжат маркалари учун харажатлар
56418	Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берадиган реклама ва эълонларига, бланкаларга, девонхона ва офис қурулларига, почта ва хужжат маркаларига, телефон ва факсдан фойдаланиш харажатлари, шунингдек даврий нашрларга, шу билан бирга электрон маълумотномаларга қилинган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетиди маъмурий харажатларга тўланган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитиди нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56500 РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ ВА ХАЙРИЯ

56502 Репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетиди ломбард томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитиди ломбард томонидан ўз мавқеи ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган репрезентация ва кўнгилочар тадбирлар учун қилинган харажатлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56506 Аъзолик бадаллари

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўланган аъзолик бадаллари суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг дебетиди клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кирганда тўланган аъзолик бадаллари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитиди клублар, ассоциациялар, жамоат ва бошқа

Код

Номи

ташкilotларга аъзо бўлиб кирганда тўланган аъзолик бадаллари бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

- 56510 Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари
Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғуланмайдиган хайрия ташкilotларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари ҳисобга олинади.
Ҳисобварақнинг дебетида ломбарднинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғуланмайдиган хайрия ташкilotларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсон суммалари акс эттирилади.
Ҳисобварақнинг кредитида ломбарднинг хайрия жамғармаларига, бошқа нотижорат фаолият билан шуғуланмайдиган хайрия ташкilotларига, шунингдек табиий офатдан талафот кўрганларга кўрсатган хайр-эҳсонлар бўйича нотўғри ҳисобланган, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56600 ЭСКИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

- 56602 Ломбарднинг бино ва бошқа иморатларининг эскириш суммаси
 56610 Транспорт воситаларининг эскириш суммаси
 56614 Мебель ва жиҳозларнинг эскириш суммаси
 56618 Номоддий активларнинг эскириш суммаси
 56622 Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси
 56626 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси
 56630 Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси
 56632 Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг асосий воситалар ва номоддий активлар учун ҳисобланадиган эскириш харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри ҳисобланган эскириш суммасининг қайтарилиши, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда

Код

Номи

(зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56700 СУҒУРТА, СОЛИҚ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАР

56702 Юридик ва аудиторлик хизмати харажатлари

56706 Маслаҳатчи (консалтинг)лар хизмати харажатлари

Юқориди кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг юристлар ва бошқа фирмалар томонидан шартнома асосида кўрсатилган юридик, аудиторлик ва маслаҳатчилик хизматлари учун тўлов харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебитида юридик ва маслаҳатчилик хизматлар учун қилинган харажатлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56710 Суғурта харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг ўз мулкани суғурта қилишга, ёнғиндан суғурта қилишга ва ўз фаолияти билан боғлиқ бошқа суғурта турларига қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида суғурта учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56714 Солиқ (фойда солиғидан ташқари) ва лицензиялар

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг солиқларга (фойда солиғидан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловларга, шунингдек лицензияларга қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган солиқлар ва лицензияларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56718 Жарима ва пеня харажатлари

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг амалдаги қонунчиликка

Код

Номи

ва қоидаларга асосан ўзига солинган пеня ва жарималар учун қилган харажатларини ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўланган жарима ва пеняларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган жарима ва пеняларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56722 Суд харажатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг суд жараёни билан боғлиқ харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебитида суд жараёни харажатларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилган суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56800 КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ

56802 Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56832 Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56834 Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56842 Суд жараёнидаги ва нотариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

56895 Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

Ҳисобварақларнинг таърифи: ломбарднинг активлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақларнинг дебитида активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56900 ФОЙДА СОЛИҒИНИ БАҲОЛАШ

56902 Фойда солиғини баҳолаш

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан олинган фойдага

Код

Номи

ҳисобланган солиқлар (фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва шу каби бошқа солиқлар) ва ягона солиқ тўлови (ягона солиқ тўлови тўловчилари учун) бўйича харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича ҳисобланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида нотўғри ҳисобланган солиқларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

90000 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР**90900 САВДОГА ОИД МОЛИЯЛАШЛАР**

90993 Кафолат ва кафилликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозлар фойдасига ломбард томонидан берилган ёки тасдиқланган кафолат ва кафилликларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96337 — «Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган кафолатларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фойдаланилган, шунингдек фойдаланилмаган ва ўрнатилган тартибда муддати ўтиши билан йўқ қилинган кафолатларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кафолат бўйича тури ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91500 АКТИВЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР

91501 Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: муддати ўтган ва ўрнатилган қоидаларга мувофиқ балансдан ҳисобдан чиқарилган, берилган кредитлар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар, шунингдек «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказилган кредитлар бўйича ҳисобланадиган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Шу билан биргаликда муддати ўтган ҳамда суд жараёнидаги кредитлар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335 — «Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебетида кредитлар бўйича муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91505 Бошқа активлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа активлар бўйича ҳисобдан чиқарил-

Код

Номи

ган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Мазкур ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335 — «Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебетида бошқа активлар бўйича олиниши лозим бўлган муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бошқа активлар бўйича тўланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91800 ЛОМБАРДНИНГ КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

91816 Ломбарднинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбарднинг банклардан ва бошқа қарз берувчилардан кредит ва/ёки лизинг олиш мажбуриятларининг ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96358 — «Ломбарднинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебетида ломбарднинг кредит ва/ёки лизинг олиш бўйича берган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредит ва ёки лизинг олиш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94500 ГАРОВ СИФАТИДА ВА САҚЛОВГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МУЛКЛАР

94502 Гаров сифатида олинган мулклар

Ҳисобварақларнинг таърифи: берилган кредитларга гаров сифатида сақланаётган мулклар ҳисоби олиб борилади. Гаров сифатида олинган мулклар ҳисобвараққа гаров бўйича шартнома тузилган вақтдаги баҳоланган қиймати бўйича кирим қилинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96381 — «Гаров сифатида ва сақловга олинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

Ҳисобварақларнинг дебетида гаров таъминоти сифатида қабул қилинган мулклар қиймати акс эттирилади

Ҳисобварақларнинг кредитида гаровга қабул қилинган, кредит ва фоизлар қопланганидан сўнг қайтариладиган мулклар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94503 Сақловга қабул қилинган мулклар

Ҳисобварақнинг таърифи: сақловга қабул қилинган мулклар ҳисоби олиб борилади. Сақловга қабул қилинган мулклар сақлов паттасида

Код

Номи

баҳоланган қиймат бўйича акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96381 — «Гаров сифатида ва сақловга олинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

Ҳисобварақларнинг дебетида сақловга қабул қилинган мулклар қиймати акс эттирилади

Ҳисобварақларнинг кредитида сақловга қабул қилинган мулкларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94504 Нотариуснинг ижро хати олинган гаровдаги ва сақловга қабул қилинган мулклар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариуснинг ижро хати олинган ўз вақтида сўндирилмаган кредит таъминотига олинган гаровдаги мулклар ва мижоз томонидан талаб қилиб олинмаган сақловдаги мулклар, яъни 94502 — «Гаров сифатида олинган мулклар» ва 94503 — «Сақловга қабул қилинган мулклар» ҳисобварақлардан мазкур ҳисобвараққа ўтказилган суммалар ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96381 — «Гаров сифатида ва сақловга олинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақларнинг дебетида нотариуснинг ижро хати асосида гаров таъминоти сифатида қабул қилинган ва/ёки сақловдаги мулклар қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида гаров таъминоти сифатида қабул қилинган ва/ёки сақловдаги мулклар қийматининг ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95400 **БОШҚА КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

95413 Ҳисобдан чиқарилган кредитлар

Ҳисобварақнинг таърифи: амалдаги қоидаларга мувофиқ равишда ломбард балансидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар (тўланмаган қисми)нинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобдан чиқарилган кредитлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қайта тикланган ёки тўланган кредитлар, шунингдек ўрнатилган муддат ўтиши билан бекор қилинган кредитларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича тегишли шартномаларга қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95497 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари

Ҳисобварақнинг таърифи: юқоридаги туркум ҳисобварақлар таъри-

Код

Номи

фига мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

Ҳисобварақнинг дебитида кирим қилинган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳужжатлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

96300 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР КОНТР-ҲИСОБВАРАҚЛАРИ

96335 Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи

96337 Кафолат ва кафиликлар бўйича контр-ҳисобварақ

96358 Ломбарднинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ

96381 Гаров сифатида ва сақловга қабул қилинган мулклар бўйича контр-ҳисобварақ

96397 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ломбард бош бухгалтери тўғрисида намунавий НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ломбардларининг бош бухгалтерларига тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун ломбард раҳбари жавобгар ҳисобланади. Раҳбар бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисобини юритиш учун тақдим этиш тартиби борасидаги талаблари ломбард ходимлари томонидан оғишмай бажарилишини таъминлаши шарт.

2. Бош бухгалтер ломбардда бухгалтерия аппаратини бошқаради, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мулкнинг бут сақланиши устидан назорат олиб борилишини таъминлайди.

Ломбард бош бухгалтери лавозимга раҳбар томонидан тайинланади ва

озод қилинади. Агар ломбарднинг юқори муассасаси мавжуд бўлса, унда бош бухгалтерни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юқори турган ломбард раҳбари ҳамда бош бухгалтери билан келишилади ҳамда у бевосита юқори ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса, бевосита юқори ташкилот бош бухгалтерига бўйсунди.

3. Ломбарднинг бош бухгалтери бошчилик қиладиган бухгалтерия аппарати мустақил таркибий бўлинма бўлиб ҳисобланади ва бошқа бирон-бир бўлинма таркибига кирмаслиги лозим.

4. Ломбарднинг бош бухгалтери лавозимига олий иқтисодий ёки иқтисодий ўрта махсус маълумотга ва шу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланади.

5. Бош бухгалтер лавозимга тайинланаётганда ва лавозимдан озод қилинаётганда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволи текширилиб, ломбард раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин бўлинмани қабул қилиш-топшириш жараёни далолатнома билан расмийлаштирилади. Юқори ташкилот мавжуд бўлганда, ушбу далолатноманинг нухаси ломбарднинг юқори бошқарув органига юборилади. Зарур ҳолларда, бош бухгалтер томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш жараёнида юқори ташкилотнинг вакили қатнашади.

6. Бош бухгалтер зиммасига пул маблағлари ва моддий бойликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифалар, шунингдек ломбард раҳбари вақтинча ишда бўлмаган пайтда унинг вазифаларини бажариб туриш юклатилиши мумкин эмас. Бош бухгалтерга бевосита чеклар ва бошқа ҳужжатлар асосида ломбард маблағ ва товар-моддий бойликларини қабул қилиш тақиқланади.

7. Бош бухгалтер вақтинча ишда бўлмаган вақт мобайнида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва шу кабилар) бош бухгалтернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ломбард раҳбарининг буйруғига асосан бош бухгалтер ўринбосарига юклатилади.

2-боб. Бош бухгалтернинг вазифалари

8. Бош бухгалтер бухгалтерия ҳисобининг юритилиши юзасидан белги-ланган қоидалар асосида қўйидагиларни таъминлаши шарт:

бухгалтерия ҳисоби Ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларни тўғри очилиши, ҳисобварақларда операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри акс эттирилиши ва бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши;

пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини уларга ишлов бериладиган участкалардан ўтишининг аниқ муддатларига риоя этилиб, ҳужжатлар айланишини тўғри ташкил этиш;

мижозларнинг келиб тушадиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари шаклига ва мазмунига кўра тўғри расмийлаштирилишини, шунингдек уларнинг қонуний тарзда бажарилишини ҳамда маблағ ва бойликлар бут сақланишини таъминлаш;

баланс тузиш;

бухгалтерия (кирим-чиқим) ҳужжатларини ўз вақтида жамланиши ҳамда расмийлаштирилиши, бут сақланиши, шунингдек улар ўрнатилган тартибда архивга топширилиши;

бухгалтерия ҳисобининг илғор шакл ва усулларидан кенг фойдаланиш;

товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар ҳисобининг тўлиқ юритилиши, шунингдек улар ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида акс эттирилиши;

мижозларнинг кредит ва қарз ҳисобварақлари бўйича фоизларнинг тўғри ва белгиланган муддатларда ҳисобланиши;

камомад ҳамда талон-торож қилинган пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни ломбард раҳбари билан биргаликда текширувлар ўтказиш, зарур ҳолларда, материалларни расмийлаштириб суд ва тергов органларига тақдим этилишини назорат қилиш;

бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи, назорат ва иқтисодий таҳлил масалалари юзасидан ходимларга ўз вақтида йўл-йўриқлар кўрсатиб бориш;

бирламчи ҳужжатлар ҳамда бухгалтерия регистрларидаги маълумотлар асосида ўз тасарруфида бўлган ломбард филиалларини қамраб олувчи молиявий ва бошқа ҳисоботларини тузиш, уларни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, шунингдек тегишли органларга тақдим этиш;

бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида ломбард молиявий фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш.

9. Бош бухгалтер тегишли бўлинма ва хизматлар ходимлари билан биргаликда қуйидагиларни синчиклаб назорат қилиши шарт:

а) иш ҳақи фондининг тўғри сарфланиши, мансаб маошларининг тўғри белгиланиши, штатлар, молия ва касса интизомига қатъий риоя этилиши;

б) пул маблағлари, товар-моддий бойликлар, асосий фондларни инвентаризация қилиш, ҳисоб-китоблар ва тўлов мажбуриятларини бажаришнинг белгиланган қоидаларига риоя этилиши;

в) белгиланган муддатларда дебиторлик қарзини ундириб олиниши ва кредиторлик қарзининг қайтарилиши, тўлов интизомига риоя этилиши;

г) камомадлар, дебиторлик қарзи ва бошқа йўқотишларни молиявий ҳисоботларида ҳаққоний акс эттирилиши.

10. Бош бухгалтер камомадлар юзага келиши, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг ғайриқонуний тарзда сарфланиши, молиявий ҳамда хўжалик қонунлари бузилишининг олдини олувчи тадбирларни тайёрлашда фаол қатнашиши шарт. Мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилинаётгани (яъни ошириб ёзиш, маблағлардан нотўғри фойдаланиш ҳамда бошқа қоидабузарлик ва мансабни суистеъмол қилиш) маълум бўлган ҳолларда бош бухгалтер чора кўриш учун бу ҳақда ломбард раҳбарига ахборот беради.

11. Пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, шунингдек кредит ва

ҳисоб-китоб мажбуриятномалари раҳбар ва бош бухгалтер ёки улар шундай ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Бу ваколатли шахсларга ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқининг берилиши ломбард буйруғи билан расмийлаштирилади.

Юқорида айтилган ҳужжатларга бош бухгалтер ёки шундай ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзо чекилмаса, улар ҳақиқий ҳисобланмайди ва мазкур ломбард масъул шахслари томонидан ижрога қабул қилинмайди.

12. Бош бухгалтер томонидан қонун ҳужжатларига ҳамда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва сарфлаш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган операциялар билан боғлиқ ҳужжатларни ижрога қабул қилиниши ҳамда расмийлаштирилиши тақиқланади.

13. Ломбарднинг раҳбари ва бош бухгалтер ўртасида айрим хўжалик операцияларини амалга оширишга доир келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, улар бўйича ҳужжатлар операциялар амалга оширилишининг оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлган ломбард раҳбарининг ёзма фармойиши билан ижрога қабул қилиниши мумкин.

3-боб. Бош бухгалтернинг ҳуқуқлари

14. Бош бухгалтер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бухгалтерия аппарати ходимларининг хизмат вазифаларини белгилаб бериш;

б) бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришни ломбард раҳбаридан талаб қилиш;

в) таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибда амал қилинишини текшириб туриш;

г) мукофотлар ҳажмларини пасайтириш ёки мукофотдан маҳрум этиш тўғрисида таклифлар бериш.

15. Бош бухгалтернинг хўжалик операцияларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва уларни бухгалтерия аппаратига тақдим этиш бўйича талаблари ломбарднинг барча ходимлари учун мажбурийдир.

Бу ҳужжатлар сифатсиз тузилгани ва расмийлаштирилгани ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишга берилиш вақтидан кечиккани, ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги, шунингдек ғайриқонуний операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар тузилгани учун бу ҳужжатларни тузган ва имзолаган мансабдор шахслар жавобгар бўладилар. Бирламчи ҳужжатларни тузиш вазифаси юклатилган ҳамда бу ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар рўйхати бош бухгалтер билан келишилади.

16. Моддий жавобгар шахслар (кассир, омбор мудирлари ва бошқалар)ни

лавозимга тайинлаш, озод этиш ва бошқа лавозимга ўтказиш масаласи бош бухгалтер билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

17. Бош бухгалтер ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб берган кўрсатмаларнинг бажарилмагани ёки бузилгани учун айбдор шахслар устидан ломбард раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

18. Ломбард раҳбари бош бухгалтерга мазкур Низомда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ҳуқуқларидан фойдаланишида атроф-лича ёрдам беришга мажбур.

Бош бухгалтер ана шу мажбуриятларни бажаргани ҳамда ўз ҳуқуқларидан фойдалангани учун унга тазйиқ ўтказиш борасида қилинадиган ҳар қандай уринишларга қатъиян барҳам берилиши, бунга айбдор бўлган шахслар эса қатъий жавобгарликка тортилиши лозим.

4-боб. Бош бухгалтернинг жавобгарлиги

19. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

а) бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, оқибатда бухгалтерия ҳисоботи бузилганда;

б) пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар ижрога қабул қилинган ҳамда расмийлаштирилган ҳолларда;

в) ломбард ҳисобварақлари бўйича операциялар, шунингдек дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;

г) камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни молиявий ҳисоботларидан чиқариш тартиби бузилганда;

д) бухгалтерия аппарати айби билан нотўғри молиявий ҳисоботлар тузилганда;

20. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолатлар учун ломбард раҳбари билан биргаликда жавоб беради:

а) молиявий-ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи меъерий ҳужжатлар бузилиши;

б) мансабдор шахслардан улар етказган зарар суммасини ўз вақтида ундириб олмаслик;

в) молиявий ҳисоботларни тегишли органларга тақдим этиш муддатлари бузилиши;

г) молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг қонунийлиги, электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларининг бут сақланиши ҳамда уларнинг кунлик архивлаш тартиби бузилиши.

21. Бош бухгалтерларнинг интизомий, моддий ва жинойий жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(ломбард номи)		
Чиқим касса ордери № _____		
Сана _____	ДЕБЕТ ҳ/в _____	КРЕДИТ ҳ/в <u>10101</u>
(олувчининг Ф.И.О.)		
Тўлов мақсади (асос):		
Сумма рақамда:		
Сумма ёзувда:		
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:		
(шахсни тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами ва серияси, ким томонидан берилган ва санаси)		
Ордерда кўрсатилган сумма		
		сўм _____ тийинни
(сумма сўз билан қўлда ёзилади)		
олдим _____		
(олувчи имзоси)		
Имзолар:		
Кассир (Ф.И.О.) _____	Раҳбар (Ф.И.О.) _____	Бухгалтер (Ф.И.О.) _____

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

(ломбард номи)			(ломбард номи)		
Кирим касса ордери № _____			_____ — сон кирим касса ордериغا		
Сана _____			К В И Т А Н Ц И Я		
ДЕБЕТ ҳ/в <u>10101</u>			(топширувчининг Ф.И.О.)		
(топширувчининг Ф.И.О.)					
Тўлов тури	Сумма	КРЕДИТ ҳ/в	К Е С И Ш Ч И З И Ф И	Тўлов тури	Сумма
Асосий қарз				Асосий қарз	
Фоиз				Фоиз	
Пеня				Пеня	
Жарима				Жарима	
Бошқалар				Бошқалар	
Жами				Жами	
Тўлов мақсади (асос):				Тўлов мақсади (асос):	
Сумма ёзувда:			Сумма ёзувда:		
Имзолар:			Сана _____		
			М.Ў.		
Бухгалтер (Ф.И.О.) _____			Бухгалтер (Ф.И.О.) _____		
Кассир (Ф.И.О.) _____			Кассир (Ф.И.О.) _____		
Топширувчи (Ф.И.О.) _____					

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

(ломбард номи)	
Мемориал ордер № _____	
Сана	_____
ДЕБЕТ ҳ/в	_____
КРЕДИТ ҳ/в	_____
Тўлов мақсади (асос):	
Сумма рақамда:	
Сумма ёзувда:	
Имзолар:	
Раҳбар (Ф.И.О.)	Бухгалтер (Ф.И.О.)

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

(ломбард номи)			К Е С И Ш Ч И З И Я	(ломбард номи)	
Кирим терминал ордери № _____				_____ — сон кирим терминал ордерига К В И Т А Н Ц И Я	
Сана _____ ДЕБЕТ ҳ/в 10109					
(топширувчининг Ф.И.О.)				(топширувчининг Ф.И.О.)	
Тўлов тури	Сумма	КРЕДИТ ҳ/в		Тўлов тури	Сумма
Асосий қарз				Асосий қарз	
Фоиз				Фоиз	
Пеня				Пеня	
Жарима				Жарима	
Бошқалар				Бошқалар	
Жами			Жами		
Тўлов мақсади (асос):			Тўлов мақсади (асос):		
Сумма ёзувда:			Сумма ёзувда:		
Имзолар:			Сана _____		
Бухгалтер (Ф.И.О.)			М.Ў.		
Топширувчи (Ф.И.О.)			Бухгалтер (Ф.И.О.)		

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Бош китоб

20 ____ йил _____ учун

Ҳисобварақ рақами	Ҳисобварақ номи	Ҳисобот санаси бошига қолдиқ		Дебет	Кредит	Ҳисобот санаси охирига қолдиқ	
		дебет	кредит			дебет	кредит

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бухгалтер _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Кунлик молиявий-ҳўжалик операцияларни қайд этиш журнали

20 ____ йил _____ учун

Т/р	Сана	Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг номи ва рақами	Операциянинг мазмунини	Сумма	Ҳисобварақ рақами	
					дебет	кредит

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бухгалтер _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Кирим касса ордерларини қайд этиш журнали

20__ йил ____ _____ учун

Т/р	Хужжат рақами	Операция мазмуни	Корреспонденцияланувчи ҳисобварақ	Сумма
1	2	3	4	5
Жами				

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали

20__ йил ____ _____ учун

Т/р	Хужжат рақами	Операция мазмуни	Корреспонденцияланувчи ҳисобварақ	Сумма
1	2	3	4	5
Жами				

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Пул маблағларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил _____ ой учун
_____ -ҳисобварақ бўйича

20__ йил _____ даги қолдиқ _____
(сумма)

Т/р	Хужжат рақами	Операция мазмуни	Корреспонденцияланувчи ҳисобварақ	Дебет	Кредит
1	2	3	4	5	6
Жами					

20__ йил _____ даги қолдиқ _____
(сумма)

Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Бухгалтер _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

Берилган кредитларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Т/р	Қарздорнинг Ф.И.О.	Шартнома рақами ва санаси	Ҳисобот даври бошига ҳисобварақ қолдиги	Ҳисобварақнинг дебити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига ҳисобварақ қолдиги
				-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
		Жами										

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

Асосий воситалар, номодий активлар ва бошқа хусусий мулкларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ

20 ____ йил _____ учун

Объектлар номи	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати					Жамғарилган эскириш					Қолдиқ қиймати	
	йил бошига қолдиқ	қайта баҳолаш	келиб тушиши	чиқиб кетиши	йил охирига қолдиқ	йил бошига қолдиқ	қайта баҳолаш	чиқиб кетиши	ҳисобланган	йил охирига қолдиқ	йил бошига қайта баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда	йил охирига

Раҳбар

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

**Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ ҳисобварағи бўйича

Т/р	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюм номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси (таннархи)	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ		Келиб тушган ва ҳисобварақнинг дебити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Сарфланган ва ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебитида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ	
				миқ-дори	сум-маси	-х/в		-х/в		-х/в		-х/в		миқ-дори	сум-маси
						миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

**Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ ҳисобварағи бўйича

Т/р	Ҳисобдор шахснинг Ф.И.О.	Ҳужжат рақами ва санаси	Корреспон- денцияла- нувчи ҳисобварақ	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	Берилган ва ҳисобварақнинг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Сарфланган ва ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
					___-ҳ/в	___-ҳ/в	___-ҳ/в	жами	___-ҳ/в	___-ҳ/в	___-ҳ/в	жами	
1	2	3	4		5	6	7	8	9	10	11	12	14

Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

**Бошқа дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Дебиторлар номи	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	Ҳисобварақнинг дебити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
		-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Раҳбар

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

**Мажбуриятларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Кредиторлар номи	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	Ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебетида акс эттирилди				Ҳисобварақнинг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига қарз қолдиғи
		-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
19-ИЛОВА

**Капитални ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	Ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебитида акс эттирилди				Ҳисобварақнинг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
	-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Раҳбар

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Т/р	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	Ҳисобварақнинг кредити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар дебитида акс эттирилди				Ҳисобварақнинг дебити бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
		-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
21-ИЛОВА

**Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ ҳисобварақ бўйича

Т/р	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ	____-ҳисобварақнинг дебетидан қуйидаги ҳисобварақлар кредитига				____-ҳисобварақнинг кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебитига				Ҳисобот даври охирига бўлган қолдиқ
		-х/в	-х/в	-х/в	жами	-х/в	-х/в	-х/в	жами	

Раҳбар _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

М.Ў.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
22-ИЛОВА

**Ломбард миждоз ва хўжалик операциялари ҳисобварақлари
бўйича амалга оширилган операцияларга асос бўлган
мемориал ордерлар
РЎЙХАТИ**

Сўм ва тийинда

Т/р	Дебетланган иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4

Раҳбар

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1053 Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобва-
рақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги ПФ–5095-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 августдаги 570-сон «Кўп квартираларни уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағларни тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сонли қарори (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 сентябрь,
321-В-7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 23 сентябрь,
138-сон

Б. ХОДЖАЕВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2017 йил 23 сентябрь,
2017-51-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви,
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2017 йил 23 сентябрдаги
321-В-7, 138, 2017-51-сонли қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан
пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банддаги «Ваколатли банк» деган сўзлар «Хизмат кўрсатувчи банк» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) 6 — 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. 23208 — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фондлар билан бўлаган клиринг трансакциялар.

7. 23210 — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фонддан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар.

8. 23218 — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фонддан ажратилган мақсадли маблағлар.

9. 23220 — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фонддан олинган мақсадли маблағлар.

10. 23222 — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фонднинг мақсадли маблағлари.»;

б) 14-банддаги «(Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш учун маблағлар тўплаш (йиғиш) ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги вақтинчалик низомга асосан очилган жамғарма депозит ҳисобварақ)» деган сўзлар «(Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 августдаги 570-сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағлар тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан очилган жамғарма депозит ҳисобварақ)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 23 сентябрдан 29 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2017 йил 18 сентябрдаги 8-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1753-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/9-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 552-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларини чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-4.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 сентябрдаги 2017-49, 23/10-сон «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 22 сентябрдаги 9-мх, 112-сон «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2121-1.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 179-сон «Муомалада бўлган рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органлари ихтиёрига топшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруғи.

2017 йил 28 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2932 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 23 сентябрдаги 321-В-7, 138, 2017-51-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-7.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1753-1, 2014 йил 2 сентябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 25 сентябрдаги 309-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2121, 2010 йил 17 июль).

Адлия вазирининг 2017 йил 27 сентябрдаги 313-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

